

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
З.М.БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК _____

Магистратура бўлими

“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” кафедраси

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Бўлим бошлиғи
Н.И.Асқаров Т.Т. Мадумаров

_____ 2015 йил

“ҲИМОЯГА ҚЎЙЛДИ”
Кафедра мудири

_____ 2015 йил

**ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
АСОСЛАРИ**

МАВЗУСИДА

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Бажарди: Исмоилов Сарварбек

“Маънавият асослари” йўналиши магистранти

Илмий раҳбар: ю.ф.н. дотс Р. Имамов

АНДИЖОН – 2015

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш асослари

Мундарижа:

Кириш

I-Боб. Ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг назарий масалалари

- 1.1. Ҳуқуқий маданиятга оид тушунчалар уларни шакллантириш омиллари
- 1.2. Жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришнинг халқаро жиҳатлари

II-Боб. Ўзбекистонда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари

- 2.1. Ўзбекистонда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари
- 2.2. Ҳуқуқий таълимнинг жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришдаги тутган ўрни

III-Боб. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва ривожлантиришда давлат ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини такомиллаштириш

- 3.1. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва ривожлантиришда давлат органлари ҳокимияти органлари фаолиятининг такомиллаштириш муаммолари ва истиқболлари
- 3.2. Аҳоли орасида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва ривожлантиришда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг такомиллаштириш муаммолари ва истиқболлари

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Тадқиқот иши мавзусининг долзарблиги. Жамиятни қонунлар асосида бошқариш ҳамма замонларда ҳам адолат рамзи, одиллик тимсоли сифатида эътироф этиб келинган. Истиқлолга эришган республикаимиз қонун устуворлигини тараққиёт тамойилларининг бири қилиб белгилаган.

Бугун мамлакатимиз ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамият барпо этиш йўлидан дадил одимлаб бормоқда. Мустақиллик йилларида ана шу эзгу мақсадни рўёбга чиқариш борасида кўпдан-кўп ишлар амалга оширилди. Демократик жамиятнинг эркин муносабатлар негизини белгилайдиган, миллий тараққиётимиз талабларига тўла-тўқис жавоб берадиган Конституциямизнинг яратилгани, кўплаб қонун ва норматив ҳужжатларнинг қабул қилингани, айниқса, муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Эркин фуқаролик жамиятининг шаклланиш жараёнида ҳуқуқий маданият, шунингдек инсон ҳуқуқлари маданиятининг ўрни ва мавқеи беқиёсдир. Чунки қонун устувор бўлган демократия шароитида ҳуқуқий маданият жамиятдаги мавжуд муносабатлар сифати ва моҳиятини белгиловчи асосга айланади.

Ҳуқуқ ва ҳуқуқий маданият бир-бири билан боғлиқ тушунчалардир. Ҳар бир фуқаро ҳуқуққа, қонунга ҳурмат билан муносабатда бўлса, ҳуқуқ ва қонунчилик устуворлигини тан олса давлатда тартиб, жамиятда ривожланиш бўлади.

Жамиятдаги демократик ғоялар, меъёр ва тамойилларнинг самара бериши фуқароларнинг ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқ бўлади.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоялашда биринчи навбатда, унинг моҳияти, зарурати, мақсадини англаш лозимлигини аҳолининг кўпчилиқ қисми ҳис этмоқда. Бу ўз-ўзидан инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш заруратини кун тартибига қўймоқда. Шунингдек, инсон ҳуқуқлари ҳақида кўп фикрлар билдирилаётган, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида кўплаб амалий ишлар қилинаётган ёки давлат томонидан инсон ҳуқуқларини янада кенгроқ таъминлашга устувор аҳамият қаралаётган бўлса-да, афсуски, айрим ҳолларда инсон ҳуқуқларининг бузилиши, инсон

ҳуқуқларини амалга ошириш билан боғлиқ тамойилларни тўлиқ татбиқ этилмаслиги билан боғлиқ салбий ҳолатлар ҳам амалиётда учраб турибди.

Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш, инсон ҳуқуқларини мукамал даражада ҳимоя қилиш, инсон учун энг муносиб турмуш тарзини, фаровон ҳаёт шароитини яратиш мақсадида давлат томонидан инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур масалага “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да ҳам алоҳида эътибор қаратилди ва унда шундай дейилади: “...Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга. Ушбу дастур, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни шакллантириш ва шу каби бошқа соҳаларга оид қонунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини олиб боришга қаратилган чоратadbирларни ўзида мужассам этиши керак¹.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, айтиш мумкинки, жамиятдан инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш ва уни ривожлантириш фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий, демократик давлат қуришнинг муҳим ва қолаверса асосий омили экан.

Мавзунинг ишланганлик даражаси. Фуқароларни инсон ҳуқуқлари бўйича маданияти мавзуси билан кўплаб олимлар ва мутахассислар шуғулланишмоқда. Бу мавзуда ўзбекистонлик Ахмедшаева М. Ф.Бакаева, Бобоев Х., Гафуров А., Исламов, Исмоилов Б., Мўминов А., Одилқориев Х., Раҳмонқулов Х., Саидов А., Тожихонов У., Тиллабаев М., Якубов Ш., Юлдашева Г. каби олимлар ва мутахассислар ўз асарлар, тадқиқот ишлари

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2010 йил. 13 ноябрь.

хамда илмий мақолалар тайёрлашган². Шунингдек, хорижлик олимлардан Бюргенталь Т., Добблер К., Глушкова С. Головастикова А., Грудцына Л., Лукашева Е., Мюллерсон Р., Нерсисянц В., Сунгуров А. каби олимлар ҳам инсон ҳуқуқларига оид ўз асарларида инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришнинг айрим жиҳатларига тўхтаб ўтишган³.

Тадқиқотнинг мақсади мамлакатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омили ҳисобланган жамиятнинг ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг назарий ва амалий муаммоларини ўрганиш орқали аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари белгиланган мақсадни амалга оширишга қаратилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- ҳуқуқий маданият, инсон ҳуқуқлари маданияти тушунчаси ва уни шакллантириш омилларини назарий жиҳатларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- ҳуқуқий маданияни шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини ташкил этувчи норматив ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш;
- Ўзбекистонда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг халқаро ва миллий ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш;

² : Инсон ҳуқуқлари. Ўқув қўлланма. /Муаллифлар жамоаси. Х.Бобоев таҳрири остида. –Т.: Ўзбекистон, 1997. –Б.45; Одиқориев Х., Якубов Ш. Миллий ҳуқуқий тизими ва ҳуқуқий кадриятлар: Монография. –Т.: SMI-ASIA, 2010.; Исламов З.М. Общество, государство, право. –Т.: Адолат, 1997. – С.245; Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими /муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.: “O’zbekiston”, 2010. –Б.286; Юлдашева Г., Борсиева З. Права человека. Учебное пособие. –Т.: ТДЮИ, 2011.; Ҳозирги замон давлати ва ҳуқуқи назарияси муаммолари. Ўқув қўлланма. Масъул муҳаррир проф. З.М.Исломов. –Тошкент: ТДЮИ, 2009. –Б.236; Образование в области прав человека: национальный и зарубежный опыт /Отв.ред. А.Х.Саидов. – Т.:НЦПЧ, SMI-ASIA, 2011.-С.53; Тиллабаев М.А. Национальные институты по правам человека: международная, зарубежная и национальная практика. –Т.: Адолат, 2008. –С.172; Муминов А., Тиллабаев М. Инсон ҳуқуқлари. Дарслик . – Т.: ЖИДУ, 2010; Гафуров А., Мўминов А., Тиллабаев М. Инсон ҳуқуқлари. Ўқув қўлланма. –Т.: VAKtria Press, 2012. -296.; Муминов А., Тиллабаев М. Инсон ҳуқуқлари. Дарслик . –Т.: ЖИДУ, 2010.

³Добблер К. Изучение международного права прав человека. – Т., ТГЮИ, 2004.; Права человека. Учебник./ отв.ред. Е.А.Лукашева. – 2-е изд., - М.: Норма, 2009.; Права человека: учебник /А.Н.Головастикова, Л.Ю.Грудцына. – М, Эксмо, 2006; Сунгуров А.Ю. Институт омбудсмана: эволюция традиций и современная практика (опыт сравнительного анализа). – СПб.: Норма, 2005.; Нерсисянц В.С. Ҳуқуқ фалсафаси. /Масъул муҳаррир А.Саидов. –Т.: Адолат, 2003. ; Глушкова С.И. Права человека в России: теория, история, практика. Учебное пособие. – М.: Права человека, 2003. ; Мюллерсон Р. Права человека: Идеи, нормы, реальность. – М., 1991.; Бюргенталь Т. Международные права человека. – Алматы, 1999.

- Ўзбекистонда ҳуқуқий таълим масалаларини ўрганиш орқали таълимнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги маданиятни шакллантиришдаги тутган ўрнини аниқлаш;

- ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда давлат органлари фаолиятини илмий таҳлил қилиш;

- фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини таҳлил қилиш орқали уларнинг инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришдаги ўрни ва ролини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объектини ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва бу жараёни амалга ошириш билан боғлиқ вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг назарий ва амалий масалалари, ҳуқуқий таълим ва унинг ҳуқуқий асослари, инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни шакллантиришда давлат ва нодавлат ташкилотлардан иборат институционал тизим, ва инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш билан боғлиқ масалалар ташкил этади.

Тадқиқотнинг методологияси. Тадқиқотнинг *назарий-методологик асоси* бўлиб тадқиқ қилинаётган муаммога оид Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари, етакчи хорижий ва маҳаллий ҳуқуқшунос олимларнинг тадқиқотлари ва асарларининг мантиқий-ҳуқуқий таҳлили ташкил этади. Шунингдек, *тадқиқотни илмий методлари сифатида* тарихий, қиёсий-ҳуқуқий, анализ ва синтез методлари, тизимли-ҳуқуқий ва функционал-ҳуқуқий методлар хизмат қилади.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари :

Мамлакатда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш мамлакатда демократик ислохотлар ва фуқаролик жамиятининг ривожлантиришнинг асосий омиллардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Мамлакатда инсон ҳуқуқлари маданиятини шаклланишининг назарий асосларининг фалсафий, ҳуқуқий асослари кенг миқёсда ишлаб чиқилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари маданиятининг шакллантиришнинг халқаро ҳуқуқий асослари инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда инсонларнинг таълим олишга ҳамда ўз ҳуқуқ ва эркинликлари бўйича ахборотлар олиши каби нормалардан иборат ҳисобланади.

Бугунги кунда таълим инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришнинг асосий омили сифатида эътироф этилмоқда ва жамиятда инсон ҳуқуқлари маданияти даражасини аниқлашда, таълим, фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини билиши ва бу борадаги таълимга эътиборни кучайтириш лозим.

- Мамлакатда бугунги кунда инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни шакллантиришда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, шунингдек, фуқаролик жамиятининг институтлари сифатида нодавлат ноижорат ташкилотларининг роли ва аҳамияти каттадир. Мамлакатда аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини ўрганишга қаратилган институционал тизим шаклланмоқда.

Илмий тадқиқот ишининг илмий янгилиги шунда кўринадикки, инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришнинг нафақат назарий ва амалий жиҳатларини, балки бу жараённинг халқаро ва миллий ҳуқуқий асосларини ҳамда бу маданиятни шакллантиришнинг давлат ва нодавлат ташкилотларидан иборат механизмининг фаолиятини илмий таҳлил қилиниши билан изоҳланади. Шунингдек, инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришда фаолиятнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ илмий асосланган таклиф ва тавсиялар илгари сурилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг *илмий аҳамиятини* жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга оид илмий адабиётлар, илмий мақолалар ҳамда мазкур йўналишдаги илмий тадқиқотчиликни янада юксалтиришда кўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланса, *амалий аҳамияти* эса, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва уни юксалтириш билан боғлиқ давлат ҳокимияти органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг

маъанавий-маърифий фаолият йўналишини янада такомиллаштиришда, хусусан, ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини янада такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертация Андижон Давлат Университети “.....” кафедраси мажлисида муҳокама қилинган ва маъқулланган, (баённома №....).

Натижаларнинг нашр этилганлиги. Диссертациянинг асосий жиҳатлари юзасидан 3 та илмий мақола нашр қилинган.

Магистрлик диссертациясининг тузилиши ва ҳажми. Мазкур диссертация, кириш, олти параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I-БОБ. ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

1.1. Ҳуқуқий маданиятга оид тушунчалар уларни шакллантириш омиллари

Демократик тамойилларга асосланган янгича фикрловчи жамиятни қуриш, албатта янги давлат учун ҳар томонлама чуқур ўйланган ташкилий, ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади. Бу жараёнда ўз ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда мажбуриятларини нафақат яхши билувчи, бу ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошира оладиган ва ўз мажбуриятларига виждонан ёндашадиган, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қила оладиган кўникмага эга бўлган юксак ҳуқуқий маданиятли, кучли фуқаролик позициясига эга бўлган инсонлардан ташкил топган жамиятни шакллантириш ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Шунинг учун ҳам ўтган давр мобайнида мамлакат таълим тизими тубдан ислоҳ қилинди. Нафақат таълим тизимида, балки ҳамоҳанг равишда давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизимида ҳам амалга оширилаётган ислоҳотларда демократик тамойиллар асосидаги янги фанлар ёш авлодни дунёқарашини ўзгартиришда катта роль ўйнамоқда.

Ана шундай фанлар қаторида, мустабит тузум пайтида таълим тизимимиз учун нотаниш бўлган инсон ҳуқуқлари масаласи ва унинг узлуксиз таълим тизимига киритилиши мамлакатдаги ислоҳотларда, давлат ва жамиятни модернизация қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳал қилувчи омил бўлди.

Сабаб, янги демократик жамиятда ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ва шу билан бир қаторда ўз мажбуриятларини ҳам билиши лозим-ки, бусиз демократик жамиятга асосланган ҳуқуқий давлатни қуриб бўлмайди. Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан

одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. *Юксак ҳуқуқий маданият – демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир.*”⁴. “Ҳуқуқий маданият деганда фуқароларнинг қонунлар тўғрисидаги билимлари ҳажмигина эмас, балки жамият ҳуқуқий ҳаётининг сифати ҳолати, ҳуқуқий ҳужжатларнинг, ҳуқуқий ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг, шахс ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий ривожланишининг мукамаллик даражаси, шунингдек. Унинг хатти-ҳаракати эркинлиги, давлат ва шахснинг ўзаро масъулияти даражаси тушунилади⁵.

Инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини таъминлаш амалиётининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг самарали рўёбга чиқарилиши муайян омиллар мажмуига боғлиқ бўлиб, улар орасида фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти муҳим ўрин тутди⁶. Бинобарин, маданият, бу бевосита жамиятдаги муайян жараёнлар асосида доимий равишда ўзгариб, такомиллашиб боровчи ҳаётий билимлар ва кўникмалар ва уларнинг мажмуини ташкил этар экан, “Инсоннинг ўз ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг миллий ва халқаро органлар томонидан ҳимоя қилиниш усуллари ва воситалари тўғрисидаги билимлари мажмуи, уларга ўз хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омили сифатида муносабатда бўлиш “инсон ҳуқуқлари маданияти” тушунчаси”⁷ни ташкил этади.

Кўп ҳолларда жамиятда “ҳуқуқий маданият” ва “инсон ҳуқуқлари маданияти” деган тушунчалар бир хил тушунчалар деган фикрлар мавжуд⁸.

“Ҳуқуқий маданият” тушунчасини аниқлаш учун бир неча ёндашувлар мавжуд. Ҳуқуқий адабиётда бу тушунча ҳуқуқ, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий

⁴“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрь кўшма мажлисидаги маърузаси. /Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь

⁵ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими /муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.: “O’zbekiston”, 2010. -Б.286

⁶Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими /муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.: “O’zbekiston”, 2010. -Б.286

⁷ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими /муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.: “O’zbekiston”, 2010. -Б.286

⁸Юлдашева Г., Борсиева З. Права человека. Учебное пособие. –Т.: ТДЮИ, 2011. -С.161

муносабатлар, қонунийлик, ҳуқуқий тартиб, ҳуқуққа риоя этишни қамраб олади. Кўп ҳолларда ҳуқуқий маданият даражаси қандай бўлиши керак, деган саволлар қўйилади.

“Ҳуқуқий маданият даражаси фақатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотларда хабардор бўлишдангина иборат эмас. У - қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсунуш маданияти демакдир. У одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш эҳтиёжи демакдир. Ҳуқуқий маданият дегани-турли можароларни ҳал қилишда қонунга ҳилоф кучлардан фойдаланишни рад этиш демакдир.”⁹

Юртбошининг сўзларидан кўриниб турганидек, ҳуқуқий маданият, бу энг аввало, инсон манфаатлари учун хизмат қиладиган қонунларни тил учидагина эмас, дилдан, қалбдан, вужуддан ҳурмат қилиш, эъзозлаш, муқаддас деб билишдир. Ҳуқуқий маданиятнинг энг муҳим жиҳати қонунга сўзсиз итоаткорлик, қонунларга бўйсунуш, уларга тўла риоя этиш, улар асосида фаолият юргизишдир. Бошқача айтганда, ҳуқуқий маданият фақат қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас, балки қонунларга қатъиян амал қилишдир. Қонунларга риоя этмайдиган одамни ҳуқуқий маданиятли деб бўлмайди. Одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда унга мурожаат этиш, уни ўзи учун ҳимоячи деб билиш ва эътиқод қилиш ҳам ҳуқуқий маданиятдир.

Ҳуқуқий маданият - бу кишиларнинг ҳуқуқий билим даражаси, ҳуқуққа нисбатан онгли муносабати, ҳуқуқни ҳурмат қилиши ва унга риоя қилишидир.

Ҳуқуқшунос олимлар Х.Одилқориев ва Ш.Якубов “Миллий ҳуқуқий тизими ва ҳуқуқий қадриятлар” номли монографиясида ҳуқуқий маданиятни тадқиқ қилар экан, унинг қуйидаги хусусиятларини кўрсатиб ўтишади: “Ҳуқуқий маданият деганда жамиятда қарор топган ҳуқуқий тизимнинг маърифий савияси, халқнинг бу ҳуқуқ тизимидан хабардорлик ҳолати, фуқароларнинг қонунга ҳурмати, ҳуқуқий нормаларнинг ижро этилиши,

⁹ И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд, Т., "Ўзбекистон", 1996, 22-бет

ҳуқуққа риоя қилмаганларга мурасасиз бўлиш, қонунга итоаткорлик даражаси тушунилади.

Ҳуқуқий маданиятни шартли равишда икки маданиятга бўлади. Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти - ҳуқуқий онгинг, қонунийликнинг, қонунларни такомиллаштириш ва ҳуқуқий тажрибанинг муайян даражасини акс эттирадиган ҳамда инсоният ҳуқуқ соҳасида яратган бутун бойликларни камраб оладиган ижтимоий маданият тури. Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти шахс эркинлиги ва хавфсизлиги, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, унинг ҳуқуқий ҳимоя этилиши ва ижтимоий фаоллигини кафолатлаш учун замин ҳисобланади.

Шахснинг ҳуқуқий маданияти жамият ҳуқуқий маданиятини узвий қисмидир. Бу фаолият ҳуқуқ соҳасида жамият тараққиётига ва унинг маданиятига мос келади, натижада шахс ва жамиятнинг доимий ҳуқуқий бойиши содир бўлади. Шубҳасиз, шахснинг юксак ҳуқуқий маданияти жамият тараққиётини таъминлайди.

Ҳуқуқий маданият – ҳуқуқий давлатнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ҳуқуқий маданият қуйидаги элементлардан ташкил топади:

- юридик нормалар тизими бўлмиш ҳуқуқ;
- ҳуқуқий муносабатлар, яъни қонун билан тартибга солинган ижтимоий муносабатлар тизими;
- ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва таъминлаш фаолияти билан шуғулланувчи давлат ва жамият институтлари тизими бўлмиш юридик муассасалар;
- ҳуқуқий онг, яъни ҳуқуқий воқеликни маънавий жиҳатдан акс эттирувчи тизим;
- ҳуқуқий хатти-ҳаракат¹⁰.

Таниқли ҳуқуқшунос олимлар, А.Саидов ва У.Таджихановлар, ҳуқуқий маданиятга "... ижтимоий маданиятнинг бир шакли сифатида ҳуқуқий

¹⁰ Қараанг: Одилқориев Х., Якубов Ш. Миллий ҳуқуқий тизими ва ҳуқуқий кадрлар: Монография. –Т.: SMI-ASIA, 2010. -Б.56-57

нормаларнинг англаниши, уларнинг амалга оширилиши билан боғлиқ ҳаракатнинг амалий ифодасини акс эттирадиган кўрсаткичдир. Ҳуқуқий маданият барча ҳуқуқ нормаларини билиш, уларга оғишмай риоя қилиш ва ҳаётга муваффақиятли татбиқ этиш, бошқа фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатида бўлиш ҳамда ҳуқуқбузарларга нисбатан муросасиз хулқ-атворда бўлишда ифодаланадиган шахс умумий маданиятининг бир кўринишидир¹¹, деб таъриф беришади.

Ҳуқуқий маданият тушунчасини таҳлил қилиш асносида, бу тушунча билан чамбарчас боғлиқ бўлган “инсон ҳуқуқлари маданияти” тушунчасини алоҳида ажратиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки, бу тушунча ҳуқуқий маданиятни ҳам қамраб олиши билан бирга, ҳуқуқшуносликдан ҳам кенгрок даражадаги муносабатлар, ғоялар, қарашларни қамраб олади ва жамият ривожланишининг бугунги босқичида “Инсон ҳуқуқлари маданияти”, деган, янги категорияни муомалага кириб келганлигини билдиради.

Ўз навбатида инсон ҳуқуқлари маданияти фақатгина юридик тушунча бўлиб қолмайди. Инсон ҳуқуқлари маданияти асосида инсон шахсиятининг кадр-қиммати ғояси ётади, бу кўпроқ маънавий категория бўлиб, уни тавсифлаганда, унда ахлоқий-маънавий жиҳатлар устунлик қилади. Инсон ҳуқуқлари маданияти шахс, жамият ва халқаро муносабатларни янада инсонпарварлаштиришга қаратилган чора-тадбирларининг кўрсаткичи ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари маданияти – маънавий маданиятнинг инсоннинг кадр-қиммати, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини эътироф этадиган ва ҳурмат қиладиган, яна шунингдек уларни амалга ошириши ва ҳимоя қилиш соҳасидаги амалий кўникмаларга асосланган билимлар, фикрлар, қарашлар, қадриятлар, руҳий кечинмаларнинг тизимини ташкил этувчи маънавий маданиятнинг таркибий қисми ҳисобланади¹².

¹¹ Қаранг: Саидов А., Таджиханов У. Ҳуқуқий маданият назарияси. Икки томли. 1-том // Масъул муҳаррир академик Ш.З.Ўразаев. –Тошкент. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998. –Б.11.

¹² Юлдашева Г., Борсиева З. Права человека. Учебное пособие. –Т.: ТДЮИ, 2011. –С.161-С.163

“Инсон ҳуқуқлари кишиларнинг ўзаро ҳаракати, улар ўртасидаги алоқаларни тартибга солиш, улар ҳаракати ва фаолиятини мувофиқлаштириш, зиддиятлар, қарама-қаршиликлар, конфликтларни бартараф этишнинг норматив шакли ҳисобланади. Ўз моҳиятига кўра, улар индивид, жамият, давлатнинг нормал фаолият кўрсатишини таъминлаш объектив зарур бўлган кишилар ҳаёт фаолиятининг шарт-шароитлари ва усуллари норматив шакллантирадилар. Бу меъёрлар эркинлик, тенглик, адолат принципларига асосланади. Яшаш, эркин бўлиш ҳуқуқи, кадр-қимматга эга бўлиш, шахс дахлсизлиги, фикрлаш ва эътиқод эркинлиги, виждон эркинлиги, сиёсий жараёнларда иштирок этиш ҳуқуқи кабилар маърифий жамиятда инсон ҳаётини ташкил этишнинг зарур шартлари ҳисобланадилар ва давлат томонидан сўзсиз тан олинishi, қўриқланиши шарт”¹³.

*“Маданият” (лотинча “cultura” сўзидан олинган бўлиб – “ишлов бермоқ”, “қайта ишламоқ” маъносини беради) – муҳитни қайта ўзгартиришга йўналтирилган турмуш ва онгнинг барча соҳаларидаги инсониятнинг ижтимоий-прогрессив ижодий фаолиятидир*¹⁴.

Инсон ҳуқуқлари маданияти – муайян давлат ва жамиятда яшовчи ҳар бир шахснинг, шахслар гуруҳининг, бу жамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзоси ва аъзолари сифатида мамлакатда амал қилувчи халқаро ва миллий ҳуқуқий нормаларда ўз аксини топган ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини мукаммал даражада билиши, уларни тегишли равишда талаб эта олиши ва қонуний механизмлар воситасида амалга ошира олиши кўникмаларига эга бўлиши ҳамда, бошқа шахсларнинг тегишли ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатида бўлиши, шунингдек, ўзининг ва бошқаларнинг инсон ҳуқуқларини бузадиганларга нисбатан муросасиз хулқ-атворда бўлишида ифодаланадиган фаолиятидир.

¹³ Ахмедшаева М.А. Ҳозирги замон давлати ва ҳуқуқи назарияси муаммолари. Ўқув қўлланма. Масъул муҳаррир проф. З.М.Исломов. –Тошкент: ТДЮИ, 2009. –Б.236.

¹⁴ Образование в области прав человека: национальный и зарубежный опыт /Отв.ред. А.Х.Саидов. – Т.:НЦПЧ, SMI-ASIA, 2011.-С.53

Демак, биринчи навбатда, инсоннинг жамиятдаги мавжудотлар ичида энг улуғи эканлигини ҳис этиши, яшаши, муносиб ҳаёт кечириши учун муайян мезонларга амал қилиши лозимлигини англаб етиши, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши учун маълум талабларга жавоб бериши муҳимлигини идрок этиши натижасида шахснинг умумий маданияти юзага келади.

Инсон ҳуқуқлари маданияти ўз моҳиятига кўра инсон ҳуқуқларига доир нормаларни мукамал билишни, амалий фаолиятда уларга оғишмасдан риоя қилишни, шахс ҳуқуқларига ҳурмат муносабатида бўлишни, инсон ҳуқуқларини бузувчиларга муросасиз хулқ-атворда бўлишни кўзда тутди.

Инсон ҳуқуқлари маданиятининг таркибий қисмлари сифатида куйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- жамиятда ҳуқуқий онгнинг ҳолати, яъни ҳуқуққа оид билим ва тушунишнинг, қонун талабларини талабчанлик билан бажарилишининг заруриятини англашнинг даражаси;

- қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботни таъминлашнинг ҳолати;

- қонунчиликнинг ҳолати, унинг мазмун ва шаклини такомиллаштириш;

- суд, прокуратура ва ҳуқуқни қўллаш билан шуғулланувчи органларнинг ҳуқуқ соҳасидаги амалий фаолиятининг ҳолати;

- инсон ҳуқуқлари таълимининг даражаси.

Бугунги кунда, мамлакатда инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келувчи салбий ҳолатларнинг олдини олиш, инсон ҳуқуқларини мукамал даражада ҳимоя қилиш, инсон учун энг муносиб турмуш тарзини, фаровон ҳаёт шароитини яратиш мақсадида давлат томонидан инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Мазкур масалага “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да ҳам алоҳида эътибор қаратилди ва унда шундай дейилади: “...Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга. Ушбу дастур, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари томонидан

инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни шакллантириш ва шу каби бошқа соҳаларга оид қонунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини олиб боришга қаратилган чора-тадбирларни ўзида мужассам этиши керак¹⁵.

Демак, мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш баробарида инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Мамлакатда инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши билан боғлиқ ишларнинг нечоғлик самарадорлиги, унинг ўзига хослиги биринчи навбатда, давлат органлари ва мансабдор шахсларининг фуқаролар ва уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига бўлган муносабатида ўз ифодасини топади. Шунингдек, аҳоли мазкур ҳолатга баҳо бериши биринчи навбатда, давлат органлари, айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятига эътибор қаратади.

Шунинг учун ҳам, давлат ва назорат органлари фаолиятида инсон ҳуқуқларига нисбатан ҳурматни шакллантиришда, давлат органларининг мансабдор шахслари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтириш, улар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунда, мамлакатдаги фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини янада кенгайтириш ва фаоллаштириш, улар томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назоратининг янги шакллари ва усулларини яратиш, уларни такомиллаштириш, жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Жамоатчилик назоратини амалга ошириш орқали давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг инсон ҳуқуқларини амалга оширишда нечоғлик қонуний

¹⁵ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2010 йил. 13 ноябрь.

харакатланаётганлигини, бу борадаги муаммолар ўрганилади ва натижалар асосида бу муаммоларни ҳал қилиш йўллари, бу соҳадаги фаолиятни янада такомиллаштиришнинг истиқболларини кўрсатиб берувчи қарорлар қабул қилинади.

Жамиятда инсон ҳуқуқлари маданияти деганда, албатта жамиятнинг турли табақаларининг ҳуқуқий маданияти тушунилади. Чунки, жамиятдаги ҳуқуқий маданият, авваломбор, унинг турли табақаларини ҳуқуқий маданиятига бағлиқдир. Мазкур табақалар орасида ёшлар муҳим ва керак бўлса, асосий ролни ўйнайди. Чунки, ҳуқуқий маданият асосида таълим ва тарбия, кўникмаларни шакллантириш ётар экан, маданиятнинг бу омиллари авваломбор ёшларда шакллантириш зарур. Ваҳоланки, ёшликда олинган билим ва тарбия инсон онгида бир умр муҳрланиб қолади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатда бугунги кунда жамиятда, хусусан ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш бўйича ҳуқуқий асос ва институционал тизим яратилди ва у такомиллаштириб борилмоқда. Фикримизча, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришда кўйидагиларга эътиборни янада кучайтириш мақсадга мувофиқдир: *биринчидан*, ҳуқуқий таълим ва тарбиянинг назарий жиҳатларини кучайтириш билан бир қаторда, унинг амалий самарадорлигини янада ошириш; *иккинчидан*, ҳуқуқий таълим, тарбияни амалга оширувчи муассасалар ўқув дастурларида Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро нормаларга, умуминсоний қадриятларга, илғор ҳорижий тажрибага ва албатта, мамлакатда тарихан шаклланган миллий анъаналарга, қадриятларга эътиборни кучайтириш; *учинчидан*, таълим тизимида замонавий ахборот ва педагогик технологияларни қўллашнинг самарадорлигини ошириш; *тўртинчидан*, мазкур йўналишдаги тадқиқотчиликни, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ўрганишга қаратилган илмий ва социологик тадқиқотларни янада кучайтириш; *бешинчидан*, таълим муассасалари билан давлат органлари, корхоналар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг чуқур интеграциясига

эришиш; *олтинчидан* ОАВларининг ёшларнинг ҳуқуқий тарбия соҳасидаги фаолиятини янада кенгайтириш.

1.2. Жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришнинг халқаро жиҳатлари

Умуман олганда, XX асрнинг 90-йиллари ва XXI асрнинг бошларида инсон ҳуқуқлари таълими масаласига нафақат миллий даражада, балки халқаро миқёсда ҳам катта аҳамият қаратила бошланди. Чунки, инсон ҳуқуқларининг умуминсоний қадрият сифатидаги аҳамиятига катта эътибор билан қарай бошланди. Айниқса, 1993 йили Вена шаҳрида бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференцияси ва унинг натижалари бўйича қабул қилинган Вена Ҳаракат режаси, БМТ томонидан 1995-2004 йилларни инсон ҳуқуқлари таълимининг ўн йиллиги, 2008 йили Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигини кенг миқёсда нишонланиши, БМТ томонидан 2009 йил – Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим халқаро йили, деб деб эълон қилиши ва бу соҳаларда халқаро ва миллий миқёсларда олиб борилган чора-тадбирлар бунинг яққол далили ҳисобланади. Халқаро ҳуқуқ устуворлигини эътироф этган ва халқаро ҳуқуқий жараёнларда фаол иштирок этувчи суверен мамлакатимиз ҳам мазкур халқаро жараёнларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятининг шаклланиши инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимнинг мавжудлигига, яъни “билим ва кўникмаларни сингдириш орқали инсон ҳуқуқлари умумжаҳон маданиятини яратиш ва позицияни шакллантириш учун амалга ошириладиган ҳамда:

- инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига бўлган ҳурматни мустаҳкамлашга, инсон шахсини ва инсоний қадр-қиммат туйғусини ҳар томонлама ривожлантиришга;

- барча миллатлар, туб халқлар ва ирқий, миллий, этник, диний ҳамда тил гуруҳлари ўртасида ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, жинслар тенглиги ва дўстликка кўмаклашишга;

- барча кишилар учун эркин жамият ҳаётида самарали иштирок этиш имкониятларини таъминлашга;

- Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни сақлашга йўналтирилган барча тадбирларига кўмаклашишга қаратилган ўқитиш, ёйиш ва хабардор қилиш бўйича ҳаракатларга боғлиқ”.

Ушбу таъриф Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ўн йиллигига бағишланган Ҳаракат режасида ифодаланган эди.

Вена декларацияси ва Ҳаракат режасининг 33-бандида:

“Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон конференцияси, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги бошқа халқаро ҳужжатларга мувофиқ давлатлар таълим тизими инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига бўлган ҳурматни мустаҳкамлашга йўналтирилишини таъминлашга мужбурликларини тасдиқлайди. Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон конференцияси инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги масалани ўқув дастурларига киритиш муҳимлигини таъкидлайди ва давлатларни буни амалиётда рўёбга чиқаришга даъват этади”, деб таъкидланган¹⁶.

БМТ Бош Ассамблеяси 1995 йил 1 январдан БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ўн йиллигини эълон қилди¹⁷ ва БМТ Бош Котиби томонидан қабул қилинган БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим 10 йиллиги Ҳаракат режасини олқишлади.

Ушбу режа 10 бўлимни ўз ичига олган. “Меъерий асос ва таъриф” деб номланган биринчи (I) бўлимда “инсон ҳуқуқлари бўйича таълим”га таъриф берилган. Кейинги (II) бўлим умумий раҳбарий принципларга бағишланган.

¹⁶ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими / муаллифлар жамоаси: А.Х.Саидов, Ф.Х.Бакаева, К.Ш.Арсланова ва бошқ: масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.: “O‘zbekiston”, 2010. -Б.287

¹⁷ БМТ ҳужжатлари, A/RES/49/184-резолуцияси.

Учинчи (III) бўлимда Ўн йиллик мақсадлари ифодаланган, улар қуйидагилардан иборат:

а) мактаб ва ҳунар-техника, расмий ва норасмий таълимнинг таълимнинг барча босқичларида инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимга бўлган эҳтиёжни аниқлаш ва уни янада ривожлантиришнинг таъсирчан стратегияларини ишлаб чиқиш;

б) инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим учун халқаро минтақавий, миллий ва маҳаллий даражаларда дастурлар ишлаб чиқиш ва салоҳиятни мустаҳкамлаш;

в) инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ўқув материалларини ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш;

г) инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни рағбатлантиришда оммавий ахборот воситаларининг роли ва имкониятларини мустаҳкамлаш;

д) Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида глобал миқёсда имкон қадар кўп тилда ва саводхонлик даражаси турлича бўлган шахслар ҳамда ногиронлар учун тушунрли бўлган бошқа шаклларда ёйиш.

БМТ Бош Ассамблеяси 49-сессиясида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим маълумотни шунчаки тарқатиш доирасидан чиқиши в акомплекс ҳамда доимий жараёнга айланиши кераклиги изҳор этилди. Ривожланишнинг барча босқичларида турган ва жамиятнинг барча қатламлари вакиллари бўлган инсонлар шу таълим доирасида ўзгаларнинг инсоний қадр-қимматини ҳурмат қилишни ва барча жамиятларда ушбу ҳурматни таъминлаш восита ҳамда усуллари эгаллашни ўрганадилар.

БМТ Бош Ассамблеяси, шунингдек, инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим барча ёшдаги аёл ва эркекларнинг қадр-қимматини ҳурмат қилишга асосланган жамиятнинг болалар, туб халқлар, озчилик ва ногиронлар каби турли гуруҳлари манфаатларини ҳиссобога оладиган ривожланиш концепциясига ҳисса қўшади, деган хулосага келди.

Шундай қилиб, БМТ Бош ассамблеяси барча ҳукуматларни Ҳаракат режасини амалга оширишга ҳисса қўшишга ва саводсизликни бартараф

этишга қаратилган ҳаракатларни ҳамда инсон шахсини тўқис ривожлантиришга йўналтирилган таълимни фаоллаштириш ва инсон ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликларига бўлган ҳурматни кучайтиришга чақирди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим олиш ҳуқуқи Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг “Таълим инсон шахсини тўла баркамол қилишга ва инсон ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликларига нисбатан ҳурматни кучайтиришга қаратилмоғи лозим. Таълим барча халқлар, ирқий ва диний гуруҳлар ўртасида бир-бирини тушуниш, хайрихоҳлик ва дўстликка хизмат қилиши ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни сақлаш борасидаги фаолиятига ёрдам бериши керак” деб эълон қилинган 26-моддаси 2 бандидан, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 13-моддасидан, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясининг 29-моддасидан, Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенциянинг 7-моддасидан, Вена Декларациясининг 33 ва 34-бандлари ва Ҳаракат дастурининг 78-82-бандларидан келиб чиқади¹⁸.

Жумладан, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 13-моддасида шундай дейилади: “... давлатлар ҳар бир кишининг таълим олиш ҳуқуқини эътироф этади. Улар таълим инсон шахсининг тўлиқ ривожланиши ва унинг кадр-қимматини англашига қаратилган бўлиши лозим, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилишни мустаҳкамлаш зарур, деган фикрга келади. Шунингдек, таълим барчага эркин жамиятнинг фойдали аъзолари бўлишга имкон яратиши, барча ирқий, этник ва диний гуруҳлар ўртасидаги дўстликка, хайрихоҳликка ва сабр-тоқатли бўлишга ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни сақлаш борасидаги ишига кўмаклашиши лозим, деган фикрга келади.

¹⁸Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими / муаллифлар жамоаси: А.Х.Саидов, Ф.Х.Бақаева, К.Ш.Арсланова ва бошқ; масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.: “O’zbekiston”, 2010. -Б.287-289

2. Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар ушбу ҳуқуқларнинг тўлиқ амалга оширилиши учун қуйидаги ишларни амалда бажариш кераклигини эътироф этади:

а) бошланғич таълим ҳамма учун мажбурий ва текин бўлиши керак;

б) ўрта таълимнинг барча шакллари, жумладан, ҳунар-техника ўрта таълими очиқ бўлиши ва барча зарур чоралар кўрилиб, хусусан, аста-секин пулсиз таълим олишни жорий этиш йўли билан барчанинг имкони етадиган даражага эришиш лозим;

с) ҳар бир инсоннинг қобилиятини ҳисобга олган ҳолда барча зарур чораларни кўриш, хусусан, аста-секин бепул таълим олишни жорий этиш йўли билан олий таълим олиш ҳамма учун имкон етадиган даражада бўлишига эришиш керак;

д) оддий таълим, бошланғич таълимнинг тўлиқ курсини ўтмаган ёки тугалламаган кишилар учун имкон борича рағбатлантирилиши ёки жадаллаштирилиши лозим;

е) барча даражадаги мактаблар тармоқлари фаол ривожлантирилиши, стипендияларнинг қониқарли тизими белгиланиши ва ўқитувчиларнинг моддий аҳволи доимий равишда яхшиланиб бориши керак...”¹⁹.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 29-моддасида боланинг таълим олишга бўлган ҳуқуқи эътироф этилар экан, унда шундай дейилади: “...давлатлар болага таълим бериш қуйидаги йўналишларда олиб борилиши лозимлигига розилик билдирадилар:

а) боланинг шахси, истеъдоди, ақлий ва жисмоний қобилиятлари энг тўла ҳажмда ривожланиши;

б) инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомида эълон қилинган тамойилларга ҳурматни тарбиялаш;

с) боланинг ота-онага, унинг маданий ўзига хослиги, тили ва қадриятларига, бола яшаётган мамлакатнинг, у дунёга келган мамлакатнинг

¹⁹Қаранг: Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар тўплами. Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, 2004.

миллий қадриятларига, ўзиникидан фарқ қиладиган маданий тараққиёт даражасига ҳурмат билан қарашни тарбиялаш;

d) болани эркин жамиятда, тинчлик, сабр-тоқатли бўлиш, эркаклар ва аёлларнинг тенглиги ҳамда барча халқлар, этник, миллий ва диний гуруҳлар, шунингдек, туб аҳоли орасидан бўлган шахслар ўртасида дўстлик руҳида тайёрлаш;

e) атроф -табиатга ҳурматни тарбиялаш”²⁰.

Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенциянинг 10 – моддасида эса, хотин-қизларнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқий қуйидагича белгилаб қўйилган: “... давлатлар хотин-қизларнинг камситилишини бартараф этиш, аёлларнинг эркаклар ва аёллар тенглиги асосида таълим олиш соҳасида эркаклар билан тенг ҳуқуқларини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўрадилар. Жумладан, қуйидагиларни таъминлайдилар:

a) шаҳар гуманитар сингари қишлоқ жойларида ҳам барча тоифадаги ўқув юртларида билимдан баҳраманд бўлиш ва диплом олиш, касб-кор ёки мутахассисликни танлашда бир хил шароитларни яратиш, бундай тенглик мактабгача тарбия, умумтаълим, ўрта махсус ва олий техник маълумот олишда, шунингдек, касбга тайёрлашнинг барча турларида таъминланади;

b) бир хил ўқув дастурларига, бир хил имтиҳонларга, бир хил малакали ўқитувчилар таркибига, тенг сифатли мактаб хоналари ва жиҳозларига эга бўлиш;

v) барча таълим олиш босқичлари ва шаклларида эркак ва хотин-қизлар ролининг биргаликда ва бошқа хилдаги таълим олиш йўли орқали ҳар қандай бир қолипдаги конценциясини бартараф этиш ва шу асосда, жумладан, ўқув кўлланмалари ва мактаб дастурларини қайта кўриб чиқиш ҳамда ўқитиш услубларини мослаштириш йўли билан шу мақсадга эришиш;

²⁰Қаранг: Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар тўплами. Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, 2004.

г) таълим учун стипендия ва бошқа нафақалар олиш имкониятларининг бир хиллиги;

д) эркалар ва аёллар билимдаги ҳар қандай узилишни мумкин қадар тезлик билан қисқартиришга йўналтирилган функционал саводхонлик дастури ва катта шдагилар орасидаги саводхонликни оммалаштириш дастурларини назарда тутиб, таълим олишни давом эттириш дастуридан фойдаланиш имкониятларининг бир хиллиги;

е) мактабни тугатмаётган қизлар сонини камайтириш ва мактабни барвақт тарк этган аёллар ва қизлар учун алоҳида дастурларни ишлаб чиқиш;

ж) жисмоний тайёргарлик ва спорт машғулотида фаол қатнашиш учун бир хил имкониятлар яратиш;

з) оилалар соғлиги ва фаровонлигини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида таълим соҳасига бағишланган махсус ахборотларга, шу жумладан оиланинг катта-кичиклигини: режалаштириш тўғрисидаги ахборот ва йўл-йўриқ маълумотларига эга бўлиш.”²¹.

Юқорида биз кўриб ўтган халқаро ҳужжатларнинг тегишли қоидаларида инсон ҳуқуқлари маданияти тўғрисида тўғридан-тўғри айтиб ўтилмаган. Аммо, жамиятнинг тегишли қатламларининг таълим олишга бўлган ҳуқуқларини эътироф этиш ҳамда бу ҳуқуқларни таъминлаб беришга қаратилган чора-тадбирларни кўриш орқали инсонлардаги ҳуқуқий маданиятни кўтариш масаласи қўйилган. Чунки, бу ҳужжатларнинг нормаларида халқаро ҳуқуқий қадриятлари ўз аксини топган. Халқаро ҳуқуқий қадриятлар – бутун дунё халқлари учун муқаддас ҳисобланган, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладиган, ер юзи аҳолисининг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида яратилган халқаро ҳуқуқий нормалар, ғоялар, қарашлар, институтлар, принциплар ва ҳодисалардир. Халқаро ҳуқуқий қадриятлар башарият манфаатларини ўзида акс эттириши,

²¹Қаранг: Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар тўплами. Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, 2004.

фаолият доирасининг кенглиги билан алоҳида аҳамият касб этади²². Ҳуқуқшунос олимлар Х.Одилқориев ва Ш.Якубовлар халқаро ҳуқуқий кадриятларга мисол тариқасида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Фукаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияларни, шунингдек, минтақавий ҳуқуқий кадриятларга эса, “Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Европа конвенцияси (1950), “Инсон ҳуқуқлари тўғрисида”ги Америка конвенцияси (1969), “Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка Хартияси” (1981), МДҲ давлатларининг “Инсон ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияси (1995), Инсон ҳуқуқлари ислом декларацияси кабиларни кўрсатиш мумкин дейди²³.

Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим, умуман таълим олишга бўлган ҳуқуқ ва унинг халқаро ҳуқуқий асослари тўғрисида фикр юритилганда, БМТнинг ихтисослашган ташкилоти сифатида ЮНЕСКО ташкилоти ва унинг доирасида қабул қилинган ҳужжатларга ҳам алоҳидаэътибор қаратил лозим. Чунки, ЮНЕСКОнинг асосий вазифаси - адолат, қонунийлик ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишни таъминлаш йўлида халқларнинг кенг ҳамкорлигини ривожлантиришга асосланиб, инсонлар онгида тинчлик ғоялари ва умуминсоний кадриятларни сингдириш ҳисобланади. Унинг ваколатига таълуқли бўлган масалаларни, унинг фаолиятини асосий йўналишларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- биринчидан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тинчликни ўрнатиш;
- иккинчидан, билимларни тарқатиш, ахборот алмашиш ва одамлар ва халқлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари;
- учинчидан, инсон ва жамиятнинг ривожланиши;
- тўртинчидан, инсон ва табиат ўртасида мувозанат ва уйғунлик.

²²Одилқориев Х. Якубов Ш. Миллий ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий кадриятлар. Монография. –Т.: SMI-ASIA, 2010. -Б.151

²³Одилқориев Х. Якубов Ш. Миллий ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий кадриятлар. Монография. –Т.: SMI-ASIA, 2010. -Б.150-151

Мазкур йўналишлар фаолият юритиши билан бир қаторда ЮНЕСКО доирасида халқаро норма ижодкорлик фаолиятини олиб бориши билан, бугунги кунгача таълим, фан, маданият ва коммуникация соҳаларида 80га яқин халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Айниқса, таълим соҳасида 10 дан ортиқ халқаро ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, улар орасида 1960 йил 14 декабрда ЮНЕСКОнинг Бош Конференциясида қабул қилинган, 1962 йил 22 майда кучга кирган, бугунги кунда 100дан ортиқ давлатлар қўшилган²⁴ “Таълим соҳасидаги камситишга қарши курашиш тўғрисида”ги Конвенция муҳим аҳамият касб этади. Унинг мақсади фақат камситишга қарши курашишдан иборат бўлмасдан, балки, шу билан бирга таълимда тенг имкониятларни тарғиб қилиш ҳамдир. Камситишни ўз ичига олган барча ноқонуний ҳаракатлар таълим олиш ҳуқуқининг чекланишини билдиради. Ўзбекистон ушбу конвенцияни 1997 йил 8 декабрда ратификация қилган.

ЮНЕСКОга аъзо мамлакатларда университетлараро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича ЮНИТВИН/ЮНЕСКО кафедралари дастури олий таълимни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Унинг асосий мақсади университетларни бир-бирига яқинлаштириш йўли билан улар ўртасида кенг қамровли ҳамкорликни йўлга қўйиш ва бирдамлик муҳитини вужудга келтириш, дунёнинг турли мамлакатларидаги университет ва илмий муассасалар ўртасида минтақавий ва минтақалараро алоқаларни йўлга қўйишдан иборатдир.

ЮНИТВИН дастури 1991 йил ЮНЕСКО Бош Конференциясининг 26-сессиясида қабул қилинган. Ташкилот фаолиятида олий таълимни ривожлантиришда ушбу дастурга муҳтож бўлиб қолган эди эди. Олий таълимнинг роли янги дунёда ҳар томонлама ўсиб бормоқда, чунки ижтимоий, иқтисодий ривожланиш малакавий ва маъмурий ходимларга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирмоқда, уларни илғор фан-техника ютуқлари асосида ўқитиш зарурлигини кўрсатмоқда. Ривожланаётган мамлакатларда, хусусан, бу соҳада маълум бўшлиқлар мавжуд бўлиб, улар ривожланган

²⁴ A Guide to human rights. Institutions, Standards, Procedures. UNESCO. 2010.

мамлакатлардан анча орқада қолиб кетмоқда ва ўзларининг мустақиллигини ташқи техникавий ва илмий ёрдам ҳисобига қисқартиришга мажбур бўлмоқда. Агар, улар ўзларининг институтлари ва дастурларини илғор билимлар ва илмий ишлар асосида ривожлантириб фан ва технологиянинг сўнгги ютуқлари билан яқиндан танишишса, ушбу мамлакатлар янада ҳар томонлама ривожланиши муқаррар.

Шунинг учун ҳам, ЮНИТВИН дастури ушбу мамлакатлардаги илм-фанга ва институтиционал олий таълимга ёрдам кўрсатиш учун тузилган. Шу мақсадда, жаҳонда олий таълим институтларининг минтақалараро тармоғи барпо этилган. ЮНЕСКО кафедралари ва профессорларнинг ташрифлари шу мақсадларни амалга оширишда муваффақиятли қурол сифатида ишлатилиши мумкин ва ривожланаётган мамлакатларнинг таълим ва илмий дастурларига ёрдам беради. Шу билан бир вақтда дастур ривожланаётган дунёда олий таълим институтларининг ўзаро ҳамкорлик қилишига катта ҳисса қўшади. Ушбу дастур доирасида турли лойиҳалар бошланган бўлиб, ушбу кунда у жаҳондаги 360та кафедра 60та тармоқларни ўзига бириктирди ва қуйидаги соҳаларни қамраб олди: тараққиётни қўллаб-қувватлаш; атроф-муҳит ва аҳолишунослик масалалари; фан ва технология; ижтимоий ва гуманитар фанлар; тинчлик, демократия, инсон ҳуқуқлари; педагогик фанлар, маданият ва коммуникация. Натижада мазкур дастур олий таълим соҳасидаги ЮНЕСКОнинг асосий ҳаракат йўналиши бўлиб қолмоқда.²⁵

ЮНИТВИН дастури доирасида инсон ҳуқуқ, демократия, тинчлик ва бағрикенглик соҳаси бўйича бирлашган кафедралар сони дунёнинг 46 мамлакатада 56 тага етди.²⁶

ЮНЕСКОнинг асосий вазифаси, бу таълим, фан ва маданият соҳасида адолат, қонунийлик ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишни таъминлаш йўлида халқларнинг кенг ҳамкорлигини ривожлантиришга асосланиб, инсонлар онгида тинчлик ғоялари ва умуминсоний қадриятларни

²⁵ UNITWIN/UNESCO Chairs Programme. UNESCO 1999. P 2.

²⁶ UNESCO Chairs in human rights, democracy, peace and tolerance. Bulletin 4/2002. European University Center for Peace Studies (EPU), Stadtschlaining. 2002. P.8

сингдиришдир²⁷. Шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, 11 фоиз ЮНЕСКО кафедралари миллий ва минтақавий даражада инсон ҳуқуқлари, тинчлик, демократия, бағрикенглик ва халқаро ҳамжиҳатлик масалалари бўйича ўқитиш ва илмий ишлар олиб борадилар. ЮНЕСКО кафедралари шунингдек, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари таълими бўйича Декадаси (1995-2004) учун Ҳаракат Режаси асосида инсон ҳуқуқларини ўқитишнинг миллий режаларини ишлаб чиқиш ва уни амалий ҳаётга жорий этишда ҳам муҳим рол ўйнайдилар. Улар инсон ҳуқуқлари бўйича минтақалар учун ўтказилган туркум конференциялар ишида фаол иштирок этадилар. Бу конференциялар; Европа учун Финландияда (1997), Африка учун Сенегалда (1998), Осиё ва Тинч океани ҳавзаси учун Хиндистонда (1999) ва Араб мамлакатлари учун Мароккода (1999) ўтказилди ва 2000 йилда Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатлари учун режалаштирилган.²⁸

ЮНЕСКО билан кенг ҳамкорликнинг ниҳоятда зарурлиги тўғрисида Республикамиз Президенти И.А.Каримов: "Биз ЮНЕСКО тимсолида энг муҳим инсонпарварлик масалаларининг ечимига ижодий ёндашишда ҳаракатлантирувчи куч бўлиб хизмат қиладиган ўзига хос, бетакрор халқаро ташкилотни кўрамиз. ЮНЕСКО маънавий уйғониш йўлига кирган кўплаб мамлакатларга, жумладан, Ўзбекистонга ҳам халқаро маънавий ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун, бутунжаҳон интеллектуал майдонида янада кенгроқ фаолият кўрсатиш учун имконият яратиб бераётган ташкилотдир,²⁹ деб таъкидлаган эди.

Мамлакатимиз олий ўқув юртлари ҳам ЮНЕСКОнинг ЮНИТВИН дастурида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссиясининг саъй-ҳаракати билан

²⁷ Международные нормативные акты ЮНЕСКО. М.1993. стр. 26.

²⁸ UNESCO Chairs in the struggle for human rights, democracy, peace and tolerance/ International Meeting of Chairholders of UNESCO Chairs on Human Rights, Democracy, Peace and Tolerance. European University Center for Peace Studies (EPU). Stadtschlaining / Austria, 1998. P.12.

²⁹ Каримов И.А.. ЮНЕСКО Ижроия кенгаши сессиясининг 155-яқунловчи мажлисида сўзлаган нутқи. Халқ сўзи. 1998 йил 7 ноябрь.

Ўзбекистоннинг кўпгина олий таълим муассасаларида ҳозирги кунда ЮНЕСКО кафедралари тузилди ва фаолият кўрсатмоқда.

Шу ерда алоҳида қайд этиш лозимки, мамлакат Президенти И.А.Каримов, ЮНЕСКО Ижроия кўмитасининг 1998 йил ноябр ойида Тошкентда бўлиб ўтган 155-сессиясида мазкур Ташкилотга, унинг таълим соҳасидаги фаолиятига ҳам катта эътибор қаратди. Унда шунингдек, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида ЮНЕСКОнинг “Халқаро ҳуқук ва инсон ҳуқуқлари” кафедраси ташкил этилиши инсон ҳуқуқлари соҳасида ўқув-услубий ва илмий тадқиқот ишларининг кўлами янада кенгайтиришга ёрдам бермоқда. Мазкур кафедра ЮНЕСКО билан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ўртасидаги шартнома асосида ва ЮНЕСКО Ташкилотининг университетларaro ҳамкорлик – ЮНИТВИН дастури доирасида ташкил этилган. Ушбу кафедрада ташкил топган пайтидан бошлаб, кафедрада ўқитиладиган фанлар бўйича ўқув дастурлари, услубий қўлланмалар, ўқув қўлланмалар, дарсликлар, илмий монографиялар чоп этилиб келинмоқда ва турли конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари, “мастер-класслар” ўтказилиб келинмоқда. Кафедра ташаббуси билан жаҳоннинг турли мамлакатларидаги ЮНЕСКО кафедралари ҳамда бошқа ихтисослашган муассасалар билан ҳамкорлик олиб борилиши натижасида инсон ҳуқуқлари таълими соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ўқув жараёнига қўллаш³⁰ билан бир вақтда, инсон ҳуқуқлари таълими бўйича мамлакатимиздаги бой тажрибани халқаро майдонда тарқатишда иштирок этмоқда³¹.

Демак, юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, инсон ҳуқуқлари маданиятининг халқаро ҳуқуқий асослари тўғрисида фикр

³⁰ Масалан, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида Россия, Польша, Швеция, Испания, Франция, Латвия, Малайзия, каби мамлакатларнинг омбудсманлари ва мутахассисларининг маърузалари ташкил этилган.

³¹ Ўз навбатида кафедра АҚШ, Буюк Британия, Швеция, Франция, Испания, Германия, Польша, Япония, Жанубий Корея, Россия каби кўплаб мамлакатлардаги ўқув муассасалари ва илмий тадқиқот марказлари билан ҳамкорлик алоқаларини олиб боради, кафедра аъзолари бундай муассасалар ва марказлардаги конференция ва бошқа тадбирлар иштирок этишган, маърузалар қилишган, иккинчидан эса, кафедра фаолиятига оид маълумотлар ЮНЕСКОнинг ЮНИТВИН дастури орқали, бутун дунёга тарғиб қилинади. www.unesco.org/en/unitwin/

юритилганда, фақатгина инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришнинг халқаро-ҳуқуқий асосларини ўзида мужассам этган яхлит халқаро ҳуқуқий ҳужжатни топиш мумкин эмас. Балки, инсон ҳуқуқлари маданиятининг халқаро ҳуқуқий асосларини инсоннинг таълим олиши ҳуқуқи, инсон ҳуқуқлари бўйича таълим билан боғлиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардан қидириш лозим экан. Зеро, инсон ҳуқуқлари бўйича таълимсиз инсон ҳуқуқлари маданиятига эришиб бўлмайди.

II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

2.1. Ўзбекистонда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистонда таълим тизимини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (1992), Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни (1997), “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” (1997) умуммиллий кўламдаги асосий ҳужжатлар сифатида белгилаб олинган олинган бўлса, шу жумладан ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, шу жумладан инсон ҳуқуқлари таълими соҳасида “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг Миллий дастури” (1997), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги фармойиши муҳим, ўзига хос бўлган хусусият касб этади.

Асосий қонун бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг алоҳида бўлими инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ва бурчларига бағишланган бўлиб, унда фуқароларимизнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий ҳуқуқлари, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларидан иборат барча ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда бурчлари ва мажбуриятлари конституциявий аксини топган³². Барча ҳуқуқлар жумласида шахснинг таълим олишга бўлган ҳуқуқи ҳам ўз аксини топган бўлиб, уни таъминлаб бериш давлатнинг вазифаси ҳисобланади.

Фуқароларнинг Конституцияда белгиланган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқлари жаҳондаги ривожланган давлатлар, умумэтироф этилган халқаро ҳужжатлар талабларига монанд равишда кафолатланган. Бош қомуснинг ҳар бир нормасида ўзбек менталитети, тарихи, кўп миллатли халқимизнинг иродаси, инсон ҳуқуқлари ва давлат

³² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2012.

суверенитети ғояларига содиқлиги, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари устунлиги тан олинган ҳолда улуғ халқимиз тафаккури дурдоналари билан бойитилган юксак маънавият ва маърифат ғояларига асосланган.

Мазкур масалада Президентимиз Ислоҳ Каримов «Юксак маънавият – энгилмас куч» асарида ...бугунги шиддатли даврда чинакам маънавиятли ва маърифатли одамгина инсон қадрини билиши, ўз миллий қадриятларини, миллий ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидойилик билан кураша олиши мумкин, деган фикрни илғари сурган³³.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш – Конституциянинг асосий принципи, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг асосий йўналиши ва пировард мақсади Юртбошимиз томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган қўйидаги беш стратегик йўналиш белгилаб берилган:

- 1) инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини вужудга келтириш;
- 2) инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этган принциплари ва нормалари асосида миллий қонунчиликни такомиллаштириш;
- 3) қабул қилинган қонунларга оғишмай амал қилиш механизминини ишлаб чиқиш ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида қонун устунлигини таъминлаш;
- 4) одил судлов ислоҳотини амалга ошириш йўли билан бутун суд тизимини демократлаштириш;
- 5) аҳоли, айниқса, ёшлар ва мансабдор шахслар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ўртасида ҳуқуқий-тарбиявий ишларни тубдан яхшилаш, уларнинг онги ва маданиятини юксалтириш.

³³ <http://www.mvd.uz/ru/content/496>

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг маъруза ва нутқларида инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган қуйидаги беш стратегик йўналиш белгилаб берилган: 1) инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини вужудга келтириш; 2) инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принциплари ва нормалари асосида миллий қонунчиликни такомиллаштириш; 3) қабул қилинган қонунларга оғишмай амал қилиш механизмини ишлаб чиқиш ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида қонун устунлигини таъминлаш; 4) одил судлов ислоҳотини амалга ошириш йўли билан бутун суд тизимини демократлаштириш; 5) аҳоли, айниқса, ёшлар ва мансабдор шахслар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ўртасида ҳуқуқий тарбия ишларини тубдан яхшилаш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш. Ўзбекистон Республикаси ўз Конституциясида инсон ҳуқуқларига оид қуйидаги муҳим халқаро-ҳуқуқий қоидаларни мустаҳкамлаган: биринчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олиш ва ҳимоя қилиш — давлатнинг мажбурияти; иккинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тизими халқаро ҳуқуқий андозаларга мос келиши ва бу соҳада халқаро ҳуқуқнинг устунлиги; учинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари унга туғилганидан бошлаб тааллуқли эканлиги, яъни табиий ҳуқуқ ғояси ва назариясининг эътироф этилиши; тўртинчидан, ҳаммага ва ҳар кимга инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг тенг ва баробар тааллуқлилиги; бешинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари давлат идоралари фаолиятининг мазмунини ташкил этиши; олтинчидан, фуқароларнинг кафолатланган суд ҳимояси билан таъминланиши; еттинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахслар ҳуқуқларининг бузилмаслиги зарурлиги.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ўтган қисқа давр ичида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида миллий қонунчилик тизимини ташкил этувчи 100дан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида халқимиз, миллатимиз,

даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида”ги фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳуқуқий тарбияни янада яхшилаш – давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан. Фармон ижросини таъминлаш борасида юртимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Юртдошларимизнинг ҳуқуқий онги ва маданияти ошгани нафақат уларнинг шахсий ҳаёти, балки жамият тараққиётида ҳам муҳим ўрин тутди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 29 августда қабул қилинган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури” алоҳида аҳамиятга эга.

“Ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир. Бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида ҳуқуқий маданиятни ошириш муҳим иш ҳисобланади. Шу билан бирга ҳуқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг барча даражаларда ижро этилиши билан белгиланади. Ушбу муҳим ишда одамларда қонунларга ва норматив ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Зеро ҳуқуқий нормалар одамлар онгига сингган ва улар орқали амал қилган тақдирдагина яшайди ва рўёбга чиқади.”³⁶

Аҳолини ҳуқуқий маданиятини, шу жумладан инсон ҳуқуқлари маданиятини оширишда Президентимиз томонидан 2010 йил 12 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” юзасидан қилган маърузасида жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш ва уни ривожлантириш борасида илгари сурган таклифи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки, мазкур Концепцияда давлат ҳокимияти ва бошқарувини

³⁶ И.А.Каримов Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат мафкура. 1-том-Тошкент, "Ўзбекистон", 1996, 332-бет.

демократлаштириш; суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш; ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш; сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш; фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш; демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодий либераллаштириш билан боғлиқ ташаббуслар³⁷ни муваффақиятли амалга оширишда жамият аъзоларининг, шу жумладан унинг таркибий қисми бўлган - ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш мамлакатни янада демократлаштиришни, фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий давлатни куришнинг муҳим мезони эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Ўтган давр мобайнида Концепцияда жамиятдаги ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш билан боғлиқ вазифаларни амалга оширишда катта ишлар қилинди: 10дан ортиқ қонунлар қабул қилинди ва янги қонун лойиҳалари кенг муҳокама қилинмоқда, фуқаролик жамияти институтлари ривожлантириб борилмоқда, давлат курилиши, суд-ҳуқуқ соҳасида, иқтисодий ва бошқа соҳаларда ислоҳотлар жадаллик билан кетмоқда. Мазкур вақт мобайнида жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш, инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракатни амалга ошириш соҳаларида тегишли ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ишлаб чиқилган ва у кенг муҳокама қилинмоқда. Мазкур лойиҳаларда, жамиятнинг, шу жумладан авваломбор ёшларининг ҳуқуқий маданияти, уларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятини шакллантириш ва уни юксалтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада таълим, тарбия тизимини, амалиёт масалаларини такомиллаштириш, давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг вазифалари белгилаб берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ўз Конституциясида инсон ҳуқуқларига оид қўйидаги муҳим халқаро-ҳуқуқий қоидаларни мустаҳкамлаган:

³⁷ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” юзасидан қилган маърузаси. /Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь.

биринчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олиш ва ҳимоя қилиш – давлатнинг мажбурияти;

иккинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тизими халқаро ҳуқуқий андозаларга мос келиши ва бу соҳада халқаро ҳуқуқнинг устунлиги;

учинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари унга туғилганидан бошлаб тааллуқли эканлиги, яъни табиий ҳуқуқ ғояси ва назариясининг эътироф этилиши;

тўртинчидан, ҳаммага ва ҳар кимга инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларининг тенг ва баробар тааллуқлилиги;

бешинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари давлат идоралари фаолиятининг мазмунини ташкил этиши;

олтинчидан, фуқароларнинг кафолатланган суд ҳимояси билан таъминланиши;

еттинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахслар ҳуқуқларининг бузилмаслиги зарурлиги³⁸.

Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчилик тизимини беш таркиб қисмига бўлиш мумкин:

биринчиси, фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларига оид қонунлар виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар, фуқароларнинг мурожаатлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган ҳатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш, умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат, муқобил хизмат тўғрисидаги ва бошқа қонунлар;

иккинчиси, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларига оид қонунлар камолот бирлашмалари, сиёсий партиялар, сайловлар, фуқароларнинг узини-узи бошқариш, касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари, оммавий ахборот воситалари, ахборот олиш эркинлиги ва кафолатлари, референдум тўғрисидаги ва бошқалар;

учинчиси, фуқароларнинг иктисодий манфаатларини ҳимоя қилувчи қонунлар-мулкчилик, тадбиркорлик, ер, ижара, давлат тасарруфидан

³⁸ Инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришнинг муҳим йўналиши. <http://www.mvd.uz/ru/content/496>

чиқариш ва хусусийлаштириш, аҳолини иш билан таъминлаш, гаров, сугурта, дехкон хужалиги, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунлар, фуқаролик, меҳнат, солиқ, божхона кодекслари;

тўртинчиси, инсоннинг маданий-маънавий ҳуқуқларига оид қонунлар-фан, таълим маданият, музейлар, маданий меросни ҳимоя қилиш, давлат тили тўғрисидаги ва бошқа қонунлар;

бешинчиси, инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатлар (қуп томонлома ва икки томонлома) Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчилик тизимини беш таркиб қисмига бўлиш мумкин: биринчиси, фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларига оид қонунлар виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган асосий ҳуқуқ ва эркинликлар ҳар бир инсонга, ҳар бир фуқарога таллуқли бўлиб, барча учун тенг ва баробардир.

Конституцияда инсон ҳуқуқларига содиқлик тантанали равишда эълон қилинган, унда ҳозирги замон конституцияларига хос бўлган умумий йўналишлар акс этган, инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари биринчи ўринга қўйилган, унда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар ва уларнинг кафолати ҳамда фуқароларнинг бурчлари мустаҳкамланган. жумладан, республика фуқаролари мансабдор шахслар, давлат ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ноҳуя ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир. Фуқароларнинг шикоятлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида белгиланган тарзда ва муддатларда кўриб чиқилиши ва ҳал қилиниши лозим. Мансабдор шахсларнинг қонунни бузиб, ваколат доирасидан чиқиб килган гайриқонуний ҳаракатлари, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини камситадиган ҳаракатлари устидан қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

Ўзбекистонда нафақат инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари конституциявий ҳуқуқий ҳимоялаш асослари ва кафолатлари шакллантирилди, балки уни рағбатлантириш, ҳимоя қилиш юзасидан

ташкилий механизм ҳамда тегишли миллий инфратузилма ҳам вужудга келтирилди. Конституцияда мустақамланган, юксак маънавий, ахлоқий кадриятлар ва миллий анъаналарнинг ҳаётга татбиқ этилиши жамиятимизнинг янгиланишига кўмаклашади, мамлакатимиз фуқароларида янгича турмуш тарзи ва янгича тафаккурни шакллантиради. Асосий қонунимиз фуқароларимиз онгида мустақиллик, эркинлик, қадр-қиммат, маъсулият, ўз манфаатларини юрт манфаатлари билан уйғун ҳолда кўриш каби эзгу ғояларни қарор топтиришга хизмат қилишга қаратилган³⁹.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қилиб айтиш мумкинки, мамлакатимизда бугунги кунда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришнинг халқаро ҳуқуқий асослари, Ўзбекистон Республикаси кўшилган 80га яқин халқаро ҳужжатларнинг нормаларидан, шунингдек юқорида таҳлил қилинган қонунлар ва қонунчилик ҳужжатлари билан бирга, инсон ҳуқуқларига оид 100дан ортиқ қонун ҳужжатларининг нормаларида ўз аксини топган.

2.2. Ҳуқуқий таълимнинг жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришдаги тутган ўрни

Ҳуқуқий маданият ва унинг таркибий қисми ҳисобланган инсон ҳуқуқлари маданияти, демократик, ҳуқуқий давлатнинг ажралмас қисми ҳисобланар экан, Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқ давлатни куриш ва уни янада мустақамлаш кўп жиҳатдан, фуқаровий-ҳуқуқий таълимни, шу жумладан инсон ҳуқуқлари бўйича таълим қай даражада ташкил этилганлигига боғлиқдир.

Чунки, инсон ҳуқуқлари маданияти, инсоннинг шаъни, қадр-қиммати ҳамда инсон шахсига оид кадриятларни ўрнатиш бўйича тизимли, босқичма-босқич ва тўхтамайдиған саъй-ҳаракатлар ҳисобланар экан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим, бу – таълим инсон ҳуқуқлари бўйича билим ва

³⁹ Конституция. http://minjust.kr.uz/?Ma%26%231179%3Bolalar:Makola_konstituciya

кўникмаларни сингдириш ва нуктаи-назарни шакллантириш; бу билимлардан хабардор қилиш, уларни ўқитиш ва тарқатиш йўли билан инсон ҳуқуқлари бўйича умумий маданиятни яратишга тизим ва мақсадга йўналтирилган саъй-ҳаракат ҳисобланади⁴⁰.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим қуйидагиларга қаратилган:

- инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига ҳурматда бўйлиш муносабатини мустаҳкамлаш;

- инсон шахсини ҳар томонлама ривожлантириш, фуқароларда инсон шаъни, кадр-қиммати ҳиссини шакллантириш;

- эркалар ва аёлларнинг ва барча миллатлар, туб аҳоли, ирқий, миллий, этник, диний ва тил гуруҳлари ўртасида ўзаро тушуниш, бағрикенглик, тенглик ва дўстлик муносабатларига ёрдам бериш;

- барча инсонлар учун жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида самарали иштирок этишига имкониятларни таъминлаб бериш;

- тинчликни қўллаб-қувватлаш бўйича халқаро ва миллий ташкилотлар фаолиятига қўмаклашиш⁴¹.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимнинг **асосий мақсадлари** қуйидагилар ҳисобланади:

биринчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимнинг мақсади ва мазмунини умумий ташунишга ёрдам бериш;

иккинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимга тааллуқли минимал стандартларни биринчи ўринга чиқаришни илгари суриш;

учинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим бўйича миллий режалар ишлаб чиқиш, амалга ошириш, баҳолаш ва ўзгартириш учун зарур бўлган жараёнлар, қадамларни белгилаш;

⁴⁰ Образование в области прав человека: национальный и зарубежный опыт /Отв.ред. А.Х.Саидов. – Т.:НЦПЧ, SMI-ASIA, 2011.-С.5

⁴¹ Образование в области прав человека: национальный и зарубежный опыт /Отв.ред. А.Х.Саидов. – Т.:НЦПЧ, SMI-ASIA, 2011.-С.5

тўртинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасида таълими бўйича миллий ёндашувларни ишлаб чиқиш учун зарур бўлган инсон, молия ва техника ресурсларига эътиборни жалб этиш;

бешинчидан, инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи миллий ва халқаро ташкилотларнинг самарали ўзаро ҳамкорлигини рағбатлантириш ва миллий даражада инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлани амалга оширишга ёрдам бериш;

олтинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимнинг мақбул бўлган мақсадлари ва уларга эришишнинг даражаларини баҳолаш учун механизмларни яратиш⁴².

Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим қуйидагиларга имкон туғдириши керак:

- ирқи, миллий ёки этник келиб чиқиши, жинси, дини, ёши, ижтимоий келиб чиқиши, жисмоний ёки руҳий соғлиги ва бошқа шу каби белгиларга асосланган камситишларга қарши курашни ҳамда бундай белгилар асосидаги турфа хилликни ҳурмат қилиш ва тушунишга;

- камситмайдиган тиллар бўйича ифодалаш ва камситмайдиган ҳуқ-
атворни ишлатишга;

- фикрлардаги турфа хилликни ҳурмат қилиш ва тушунишга;

- кундалик ҳаётда инсон ҳуқуқларига оид нормаларни жорий этишга;

- ўқитувчиларни малакали тайёрлашга;

- инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимни самарали амалга ошириш учун зарур миллий имкониятлар ва билимни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим қуйидагиларга ундайди:

биринчидан, жамиятнинг барча аъзоларини қамраб олувчи ахборот-маърифий тадбирлар ёрдамида барча инсон ҳуқуқларига ҳурмат қилиш ва уларни ҳимоя қилишга ёрдам бериш;

⁴² Образование в области прав человека: национальный и зарубежный опыт /Отв.ред. А.Х.Саидов. – Т.:НЦПЧ, SMI-ASIA, 2011.-С.5

иккинчидан, шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни, яна шунингдек ривожланишга бўлган ҳуқуқни қўшган ҳолда инсон ҳуқуқларини ўзаро боғлиқлигига, бўлинмаслигига ва универсаллигига ёрдам бериш;

учинчидан, аёллар ҳуқуқини инсон ҳуқуқлари сифтида миллий ривожланишнинг барча жиҳатларига интеграциялаш;

тўртинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ролини бу ҳуқуқларни бузилишининг олдини олувчи стратегия сифатида эътироф этиш;

бешинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимнинг демократия, барқарор тараққиёт, ҳуқуқий тартибот, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва тинчликни сақлашдаги муҳим аҳамиятини эътироф этиш;

олтинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги нормаларга мувофиқ келувчи қарорлар қабул қилишга ёрдам берувчи инсон ҳуқуқлари соҳасига тааллуқли муаммоларни таҳлил қилишни рағбатлантириш;

еттинчидан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун глобал, минтақавий, миллий ва маҳаллий ҳужжатлардан фойдаланишга оид билимлар ва қўникмаларни олишга ёрдам бериш;

саккизинчидан, фуқароларга инсон ҳуқуқлари билан боғлиқтўз эҳтиёжларини аниқлашларига имкон яратиш бериш ва бу эҳтиёжларини қондирилишини таъминлаб бериш;

тўққизинчидан, билимларни, инсон ҳуқуқлари ҳимоясига имкон берувчи қарорлар қабул қилиш учун танқидий таҳлил ва қўникмаларни ўзига қамраб олувчи педагогик фанларни ривожлантириш;

ўнинчидан, инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши учун зарур бўлган тадқиқотлар ва ўқув материалларни яратишни рағбатлантириш;

ўн биринчидан, инсон ҳуқуқларини амага ошириш ва инсон шахсининг тўла ривожлантиришда фуқароларнинг ихтиёрий ва онгли равишда

иштирокини рағбатлантирадиган таълим учун шароитлар яратиб беришга кўмаклашиш⁴³.

Умуман олганда, XX асрнинг 90-йиллари ва XXI асрнинг бошларида инсон ҳуқуқлари таълими масаласига нафақат миллий даражада, балки халқаро миқёсда ҳам катта аҳамият қаратила бошланди. Чунки, инсон ҳуқуқларининг умуминсоний кадрият сифатидаги аҳамиятига катта эътибор билан қарай бошланди. Айниқса, 1993 йили Вена шаҳрида бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференцияси ва унинг натижалари бўйича қабул қилинган Вена Ҳаракат режаси, БМТ томонидан 1995-2004 йилларни инсон ҳуқуқлари таълимининг ўн йиллиги, 2008 йили Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигини кенг миқёсда нишонланиши, БМТ томонидан 2009 йил – Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим халқаро йили, деб деб эълон қилиши ва бу соҳаларда халқаро ва миллий миқёсларда олиб борилган чора-тадбирлар бунинг яққол далили ҳисобланади. Халқаро ҳуқуқ устуворлигини эътироф этган ва халқаро ҳуқуқий жараёнларда фаол иштирок этувчи суверен мамлакатимиз ҳам мазкур халқаро жараёнларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Ўзбекистонда таълим тизимини шакллантиришда олдинги параграфимизда кўриб ўтган ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, шунингдек, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, шу жумладан инсон ҳуқуқлари таълими соҳасида, дунёда аналоги, ўхшаши йўқ ҳужжат ҳисобланувчи “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг Миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги фармойишлари муҳим, ўзига хос хусусият касб этмоқда.

⁴³ Образование в области прав человека: национальный и зарубежный опыт /Отв.ред. А.Х.Саидов. – Т.:НЦПЧ, SMI-ASIA, 2011.-С.5

Шу ўринда, инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришдаги дастлабки қадамлардан бири сифатида, 1996 йилнинг 29 августида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида мамлакатимиз Президенти И.Каримовнинг, бу жараёндаги муҳим масалалардан бири сифатида “Инсон ҳуқуқлари” ўқув курсини барча олий ўқув юртлари ўқув дастурларига киритиш ғоясини илгари сурганлигини алоҳида қайд этиш керак⁴⁴.

Мамлакатда инсон ҳуқуқлари маданиятини янада юксалтиришда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йилда қабул қилинган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури”⁴⁵ ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январда қабул қилган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги фармойишининг аҳамияти нечоғли юксак эканини алоҳида эътироф этиш лозим. Чунки, мазкур Миллий дастур ва фармойишнинг асосий вазифаси, мамлакатда узлуксиз конституциявий ҳуқуқий таълим тизими яратиш орқали, жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, демократик кадриятларга асосланган фуқаролик жамиятининг тўғри фикрлайдиган, комил аъзосини шакллантириш ҳисобланади.

1997-1998 ўқув йилидан бошлаб олий ўқув юртларида “Инсон ҳуқуқлари” махсус курси ўқитила бошланди. Инсон ҳуқуқлари ҳимояси, демократияни чуқурлаштириш ва қонунийликни кучайтириш масалалари барча даражадаги ўқув юртлари ва, энг аввало, умумтаълим мактаблари, университетлар, юридик, педагогик олий ўқув юртлари, бошқарув ва менежмент институтлари, шунингдек, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати таълим муассасалари дастурларига киритилди⁴⁶. Мамлакатда инсон ҳуқуқларини ўқитишнинг миллий тизими шакллантирилди.

⁴⁴ Қаранг. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби. Т.5. –Т.: «Ўзбекистон», 1997. –Б.136

⁴⁵ Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборо тномаси. 1997. № 9.

⁴⁶ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими /муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.: “O’zbekiston”, 2010. -Б.290

Мактабгача бўлган таълим муассасаларида бошланғич ҳуқуқий таълим таълим ва тарбия кундалик ўйин ва машғулотлар ёрдамида сингдирилади. “Конституция дарси” бўйича машғулотларга ўйинлар шаклида 16 соат, яна шунингдек болалар ўқинлари ва байрамлари сифатида 9 соат ажратилган.

Мактаблар даражасида (1-9 синфлар) инсон ҳуқуқлари “Давлат ва ҳуқуқ асослари”, “Ҳуқуқшунослик”, “Конституция алифбоси” фанлари доирасида 50 соат ҳажмида ўқитилади.

Коллежлар ва лицейларда инсон ҳуқуқлари “Ҳуқуқшунослик” дарсларида, ҳуқуқ тармоқлари бўйича икки йил давомида 68 соат ҳажмда билимлар берилади.

Олий ўқув юртларининг барча талабаларига инсон ҳуқуқлари ва уларни ҳимоя қилиш механизмлари тўғрисидаги ахборотларни ўзига қамраб олган умумий ҳуқуқий тайёргарлик ва Конституция бўйича фанлар доирасида берилади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича махсус курслар Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида, Тошкент давлат юридик институтида, Ички ишлар вазирлиги академиясида, Миллий хавфсизлик хизмати институтида талабаларга ва Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида, Бош прокуратуранинг Олий ўқув курсларида малакали юристларга ўқитилади⁴⁷.

Мазкур махсус курсларнинг дастурларида инсон ҳуқуқларининг назарий асослари ва амалий жиҳатлари, инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ва миллий ҳуқуқий нормалар ва уларнинг мазмун-моҳияти, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро ва миллий институционал тизими, инсон ҳуқуқларининг алоҳида категориялари тўғрисидаги билимлар қамраб олинган.

Яна, шу ерда, юқоридаги олий юридик ўқув юртларида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Академиясида халқаро

⁴⁷ Образование в области прав человека: национальный и зарубежный опыт /Отв.ред. А.Х.Саидов. – Т.:НЦПЧ, SMI-ASIA, 2011.-С.49

гуманитар ҳуқуқ, яъни қуролли можаролар даврига оид инсон ҳуқуқлари масалалари ўқитилишини ҳам алоҳида қайд этиб керак.

Юқорида таълим муассасалари билан бир қаторда, мамлакатда бугунги кунда нодавлат, ноижорат ташкилотлари доирасида ҳам инсон ҳуқуқлари масалалари ўқитилади ва бу соҳада ҳам ўзига хос таълим тизими шаклланди⁴⁸.

Мустақиллик йилларида мамлакатда инсон ҳуқуқлари масалалари билан шуғулланувчи ихтисослашган кафедралар ва марказлар ташкил топди. Айниқса, инсон ҳуқуқлари масалалари билан шуғулланувчи ихтисослашган кафедраларни ташкил этилиши бу борада ишларни янада юқори босқичга олиб чиқди. Жумладан, Юристар малакасини ошириш марказида “Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари”, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида ЮНЕСКОнинг “Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари” кафедраси, ИИВ Академиясида “Инсон ҳуқуқлари назарияси ва амалиёти” кафедраси шулар жумласидандир. Бугунги кунда, мазкур кафедраларда инсон ҳуқуқлари соҳасида бой назарий ва амалий билим ва кўникмалар шаклланди.

Жумладан, мамлакат Президенти И.А.Каримов, ЮНЕСКО Ижроия кўмитасининг 1998 йил ноябр ойида Тошкентда бўлиб ўтган 155-сессиясида таъкидлаб ўтганидек, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида ЮНЕСКОнинг “Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари” кафедраси ташкил этилиши инсон ҳуқуқлари соҳасида ўқув-услубий ва илмий тадқиқот ишларининг кўлами янада кенгайтиришга ёрдам бермоқда. Мазкур кафедра ЮНЕСКО билан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ўртасидаги шартнома асосида ва ЮНЕСКО Ташкилотининг университетлараро ҳамкорлик – ЮНИТВИН дастури доирасида ташкил этилган. Ушбу кафедрада ташкил топган пайтидан бошлаб, кафедрада

⁴⁸ Батафсил маълумотлар учун қаранг: Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими /муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.: “O’zbekiston”, 2010. -Б.290

⁴⁸ Образование в области прав человека: национальный и зарубежный опыт /Отв.ред. А.Х.Саидов. – Т.:НЦПЧ, SMI-ASIA, 2011.-С.144-163

ўқитиладиган фанлар бўйича ўқув дастурлари, услубий қўлланмалар, ўқув қўлланмалар, дарсликлар, илмий монографиялар чоп этилиб келинмоқда ва турли конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари, “мастер-класслар” ўтказилиб келинмоқда. Кафедра ташаббуси билан жаҳоннинг турли мамлакатларидаги ЮНЕСКО кафедралари ҳамда бошқа ихтисослашган муассасалар билан ҳамкорлик олиб борилиши натижасида инсон ҳуқуқлари таълими соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ўқув жараёнига қўллаш⁴⁹ билан бир вақтда, инсон ҳуқуқлари таълими бўйича мамлакатимиздаги бой тажрибани халқаро майдонда тарқатишда иштирок этмоқда⁵⁰.

Мамлакат инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим тизимини ривожлантиришда инсон ҳуқуқлари бўйича илмий тадқиқотчиликнинг ҳам роли ва ўрни катта. Мамлакатдаги бу соҳадаги илмий тадқиқотчилик турли йўналишларда олиб борилмоқда, жумладан:

- инсон ҳуқуқларининг турли масалалари бўйича монографик ишлар, диссертациялар яратиш;

- инсон ҳуқуқларининг муайян масалалари бўйича илмий мақолалар ва тезислар чоп этиш;

- инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича илмий ва конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатлари ўтказиш.

Албатта, қайд этилган йўналишлар инсон ҳуқуқлари ва унинг айрим йўналишларини илмий тадқиқотчилик ва унинг натижалари нуқтаи назардан ўрганишга қаратилган. Аммо, инсон ҳуқуқлари бўйича таълимнинг барча жараёнларида, яъни, олий ўқув юртлири ҳамда тегишли органлар, муассасалар ва ташкилотларда олиб бориладиган ўқув машғулоти, тренинглар ўтказиш жараёнида, алоҳида маърузалар ва “мастер класс”лар

⁴⁹ Масалан, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида Россия, Польша, Швеция, Испания, Франция, Латвия, Малайзия, каби мамлакатларнинг омбудсманлари ва мутахассисларининг маърузалари ташкил этилган.

⁵⁰ Ўз навбатида кафедра АҚШ, Буюк Британия, Швеция, Франция, Испания, Германия, Польша, Япония, Жанубий Корея, Россия каби кўплаб мамлакатлардаги ўқув муассасалари ва илмий тадқиқот марказлари билан ҳамкорлик алоқаларини олиб боради, кафедра аъзолари бундай муассасалар ва марказлардаги конференция ва бошқа тадбирлар иштирок этишган, маърузалар қилишган, иккинчидан эса, кафедра фаолиятига оид маълумотлар ЮНЕСКОнинг ЮНИТВИН дастури орқали, бутун дунёга тарғиб қилинади. www.unesco.org/en/unitwin/

ташқил этилганда ҳам, инсон ҳуқуқлари масалаларига ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан ёндашилади. Чунки, инсон ҳуқуқларини чуқур ўрганиш ва уни тўғри тушуниш албатта, илмий ёндашувни, ёки бошқача қилиб айтганда фанни ўрганиш қонуниятлари асосида ёндашишни талаб этади.

Албатта ўтган давр мобайнида, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари таълими соҳасида кўп ютуқларга эришилди ва бу ютуқлар эса ўз навбатида аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришда катта ёрдам бермоқда.

Шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги жараёнлар, хусусан янги ахборот технологиялари ва ахборот макони, интеграциявий жараёнлар ва бошқалар инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштиришни талаб этади. Шу нуқтаи назардан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим тизимида ҳам бугунги кунда:

- инсон ҳуқуқларини ўқитишда янги сифат даражасига эришишга;
- инсон ҳуқуқлари соҳасидаги амалий муаммоларни илмий жиҳатдан танқидий ўрганишга;
- инсон ҳуқуқлари бўйича таълим жараёнида янги педагогик технологиялардан самарали фойдаланишга;
- таълим тизимини янги ахборот технологиялари асосига қуришга;
- инсон ҳуқуқлари бўйича янги авлод дарсликларини яратиш, инсон ҳуқуқларига оид фанлар бўйича электрон дарсликлар ва электрон ресурсларни яратиш ва уларни доимий равишда янгилаб боришга эътибор қаратилмоқда.

III-BOB. ЖАМИЯТДА ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШДА ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

3.1. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва ривожлантиришда давлат органлари ҳокимияти органлари фаолиятининг такомиллаштириш муаммолари ва истиқболлари

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг судлов органларига, биринчи навбатда, суд ҳокимияти тизимига кирувчи судлар, яъни Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, умумий судлар, хўжалик судлари киради. Судлар тизими билан бир қаторда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, яъни прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги каби нафақат инсон ҳуқуқларини, балки мамлакатдаги ҳуқуқ-тартиботни ҳам ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи вазирликлар ва давлат идоралари ҳам инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимида ва одил судловни таъминлаб беришда муҳим ҳалқани ташкил этади. Бугунги кунда ушбу ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимларида инсон ҳуқуқлари масалалари билан шуғулланувчи алоҳида тузилмалар ташкил этилган.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда **прокуратура органлари** ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, шу жумладан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимида муҳим ва асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Ўзбекистон Республикасининг прокуратура органлари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва 2001 йили янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни ҳамда фаолиятига дахлдор бўлган бошқа қонунлар асосида олиб боради. Мазкур қонунга биноан, прокуратуранинг асосий вазифаларидан бири фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботга риоя этиш устидан назорат қиладиган давлат органи бўлган прокуратура нафақат давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш вазифасини, балки инсон ва фуқаронинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича муҳим ижтимоий вазифани ҳам бажаради. Айнан фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини давлат органлари мансабдор шахсларининг ноқонуний ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигидан ҳимоя қилиш Ўзбекистонда ижтимоий ва ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнида муҳим аҳамият касб этади.⁵¹

Прокуратура органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 12 апрелдаги 3-сонли буйруғига биноан **Фуқаролар ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси** ташкил этилган. Ушбу буйруқ билан тасдиқланган низомга биноан, бошқарманинг асосий вазифалари қонунлар устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат ва жамиятнинг қонунда белгиланган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунига биноан, Бошқарма инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш билан боғлиқ қуйидаги йўналишларда ўз фаолиятини амалга оширади:

- фуқароларнинг шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқиш;
- қонунийликнинг аҳволи ва қонунлар бузилиши тўғрисидаги хабарлар ҳақида маълумот тўплаш ва таҳлил қилиш.

Фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш самарадорлигини таъминлаш мақсадида Бошқарма томонидан барча прокурорлар учун мўлжалланган

⁵¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими /Муаллифлар жамоаси: А.Х.Саидов, Ф.Х.Бакаева, К.Ш.Арсланова ва бошқ. –Т.: O'zbekiston, 2010. - 242

“Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонун ижро этилиши устидан назоратни уюштириш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқилган⁵².

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 22 июндаги “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ишни ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг вазифалари тўғрисида”ги 25-сонли буйруғига асосан қуйидагилар ҳам прокуратура органларининг асосий вазифалари этиб белгиланган:

- давлат органлари, муассасалар, жамоат ташкилотлари томонидан фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқини кафолатлайдиган қонунлардаги талабларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш;

- фуқароларнинг таълим олиш ҳуқуқи, илмий ва техникавий ижод қилиш, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқлари амалга оширилишини қўллаб-қувватлаш⁵³.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг жойлардаги хизматлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари тизимига киради. Бугунги кунда, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 8 январдаги 16-сонли “Ички ишлар идораларида хизмат ўташ тартиби ҳақидаги вақтинчалик Низом” асосида фаолият кўрсатмоқда.

2008 йил сентябр ойида Ички ишлар вазирлиги тизимида **“Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси”** ҳамда унинг жойлардаги тузилмалари ташкил этилди ва ички ишлар органлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ва уларни ҳимоя қилиш устидан назорат олиб бориш мазкур бошқарманинг асосий вазифаларидан бири белгиланган.

⁵² Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими /Муаллифлар жамоаси: А.Х.Саидов, Ф.Х.Бакаева, К.Ш.Арсланова ва бошқ. –Т.: O’zbekiston, 2010. – Б.244

⁵³ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими./Муаллифлар жамоаси: А.Х.Саидов, Ф.Х.Бакаева, К.Ш.Арсланова ва бошқ. –Т.: O’zbekiston, 2010. – Б.244-245

Ички ишлар идораларининг мансабдор шахслари фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш чоғида уларнинг мазмунини диққат билан ўрганиб чиқишлари лозим, шунингдек, хатларни хар тарафлама муфассал ва холисона кўриб чиқиш учун қўшимча ахборотлар, маълумотлар ва материалларга зарурат пайдо бўлса, уларни тўплаш, ходимларни мурожаатда баён этилган ҳолатни текшириш учун жойларга юборишлари, шикоятни келтириб чиқарган сабабларини, шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш учун барча тегишли чораларни кўришлари шарт.

Мурожаатлар бўйича қабул қилинадиган қарорлар асосланган бўлиши лозим. Ҳал этиш натижалари ҳақида давлат ва ҳукумат идоралари, радио, телевидение, газета ва журналлар таҳририятларига жавоб берилиши лозим бўлган хатлар алоҳида назоратга олинади ва биринчи навбатда ҳал этилади. Мурожаатларни текшириш натижалари юзасидан, улар келиб тушган ички ишлар идораси раҳбари томонидан тегишли идораларга ҳамда хат муаллифларига жавоб берилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2003 йил 27 августда “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 370-сонли қарорини қабул қилди. Унга кўра, таашкил этилган Адлия вазирлиги тизимида жойларда ҳудудий бўлинмаларга эга бўлган Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси, мамлакатда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш билан боғлиқ жараёнда муҳим ўрин тутди. Хусусан, Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси ва ҳудудий адлия бошқармаларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимлари фуқароларнинг давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва мансабдор шахсларнинг қарорлари ҳамда ҳаракатлари устидан шикоятларини кўриб чиқади. Фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари ва

эркинликларини ҳимоя қилиш зарур бўлганда адлия органларига мурожаат қилиш имконияти вазирлик фаолиятининг энг муҳим тамойили, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифасини амалиётга татбиқ этиш эса, келиб тушаётган мурожаатларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ва ҳисобга олиш тизимини яратиш орқали таъминланган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича фаолиятини янада такомиллаштириш, бу борадаги фаолиятни мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 23 июлдаги 227-сонли қарори билан “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишининг ҳолатини ўрганиш бўйича Идоралараро ишчи гуруҳи тўғрисида”ги Низом ҳам тасдиқланди.

Идоралараро ишчи гуруҳида инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ҳам киритилди.

Идоралараро ишчи гуруҳининг асосий вазифаларидан бири этиб, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида қонунчиликни такомиллаштириш, шунингдек БМТнинг асосий Конвенцияларини миллий қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига имплементация қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш белгиланди.

Мазкур йўналишда Идоралараро ишчи гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикасининг тегишли даврий маърузаларини кўриб чиқиш натижаси бўйича БМТ конвенцион органларининг якуний тавсиялари ва эътирозларини кўриб чиқиш, шунингдек ушбу якуний тавсия ва эътирозларнинг ижроси бўйича Миллий ҳаракат режаларини тасдиқлаш ва мониторинг қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Биз юқорида мамлакатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг давлат ва нодавлат механизмлари тўғрисида тўхталиб ўтдик. Ўзбекистондаги мазкур тизимда бугунги кунда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар муносиб ўз ўрнини топди. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг

носудлов тизимига киради. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими таркибига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтлари киради. Уларнинг фаолияти биз олдинги мавзуларда кўриб чиққан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро андозалар ва илғор хорижий тажриба асосида ташкил этилган ва доимий равишда такомиллашиб бормоқда. Қуйида уларнинг ҳуқуқий мақоми ва фаолиятига тўхталиб ўтамиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман).

Омбудсман ҳар йили ўзининг фаолияти бўйича йиллик ҳисоботини эълон қилади. Ушбу ҳисоботида Омбудсман ўз фаолияти йўналишларида олиб борган ишлари тўғрисида батафсил маълумотлар бериб боради.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини мониторинг қилишнинг миллий тизими шаклланди. Ўтган давр учун Омбудсман томонидан республиканинг барча вилоятларида қуйидаги: аёллар ва болалар ҳуқуқларига, фуқароларнинг судларга бўлган ҳуқуқи ва давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқларига, уй-жой мулкдорлари ҳуқуқларига, фермерлар ва тадбиркорлар ҳуқуқларига, ногиронлар ва беморлар ҳуқуқларига риоя этилиши каби долзарб муаммолар бўйича мониторинг тадқиқотлари ўтказилди. Хотин-қизлар қўмитаси билан биргаликда Маслаҳат-таҳлил кенгаши ташкил этилди. Ушбу Кенгаш аёллар ҳуқуқлари, бола ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ конвенцияларига ва ушбу шартномалар бўйича ташкил этилган қўмиталарнинг қарорларига риоя этилиши бўйича мониторингни амалга оширади.

Ўзбекистоннинг миллий маърузаларини кўриб чиқилиши натижалари бўйича қабул қилинган БМТнинг шартномавий қўмиталарининг хулосавий тавсияномалари доимий равишда Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва

эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссияси мажлисларида муҳокама қилиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти. 1997 йил 15 январда Олий Мажлис ҳузурида ташкил этилган Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти 2005 йилнинг 2 апрелида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан янги мақомда қайта ташкил этилди. Мониторинг – лотинча «monitor» сўзидан олинган бўлиб кузатиш, ўрганиш, эслатиш, баҳолаш, истиқболни белгилаш ва назорат қилиш демакдир.

Мазкур йўналишда, Институт томонидан бошқа вазифалар билар бир қаторда, жамиятдаги инсон ҳуқуқлари маданиятини шаклланиши ҳам ўрганади. Институтнинг бу йўналишда фаолияти амалдаги қонун ҳужжатларини ҳамда уларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро нормаларга мувофиқлигини ўрганиш; инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқий татбиқий тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш; қонунчилик ишлари юзасидан жорий ва истиқболга мўлжалланган режалар ҳамда дастурларга доир таклифлар ишлаб чиқиш⁵⁴ каби вазифалар ошириш орқали амалга оширилади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази⁵⁵ давлат идоралараро таҳлил, тушунтириш ва мувофиқлаштириш органи ҳисобланади, яъни мазкур орган инсон ҳуқуқлари соҳасида давлат бошқарув органлари фаолиятини мувофиқлаштиради, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ишлар миллий режасини ишлаб чиқади, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича миллий маърузалар тайёрлайди, давлат хизматчилари учун эса инсон

⁵⁴ Раҳмонқулов Х, Раҳманов А. Права человека: история и современность. -Т., Изд. « Мир экономики и право», 1998. -С.217

⁵⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони билан 1996 йил 31 октябрда ташкил этилган.

ҳуқуқлари муҳофазаси соҳасида ахборот базасини яратади, уларни ўқитади, маслаҳатлар беради ва ташвиқот ишларини олиб боради. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар орасида инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш бўйича давлат стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича асосий муҳофизлаштирувчи орган ҳисобланади. Бундай вазифани Марказ инсон ҳуқуқларига риоя қилиш кафолати сифатида ахборот олиш эркинлигини таъминлаш; инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимнинг кўп мақсадли тизимини – алоҳида ихтисослашган курслардан тортиб оммавий маълумот – танишув дастурларигача ташкил этиш йўллари билан амалга оширади. шу билан бир қаторда, бу соҳадаги Марказнинг асосий вазифалари ва функцияларига қуйидагилар киради:

- фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида миллий ҳаракат режасини ишлаб чиқиш;

- давлат органларининг инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва муҳофаза қилиш соҳасида таълим бериш, тарғибот, ўқув-услубий адабиётларни нашр этиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

- фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ривожлантириш юзасидан социологик тадқиқотлар ўтказиш ва уларда қатнашиш;

- инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш бўйича миллий дастурларни ишлаб чиқиш;

- аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш стратегиясини ишлаб чиқиш;

- инсон ҳуқуқлари бўйича адабиётлар, телекўрсатувлар ва радио-эшиттиришлар, шунингдек, “Ўзбекистонда демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари” илмий-оммабоп журналинини тайёрлаш ва чиқариш;

- миллий, минтақавий ва халқаро даражаларда инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида илмий тадқиқотлар ташкил этиш;

Марказ фаолият дастурининг ғоявий асоси – Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида баён этилган ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришнинг умумбашарий тамойилларидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 18 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида юридик журналлар тизимини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан Марказ томонидан нашр қилинадиган “Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари” журналининг ишини фаоллаштириш кўзда тутилган. Ундан ташқари, Миллий марказ “Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари” журналининг ҳаммуассиси ҳам ҳисобланади. Мансабдор шахслар ва давлат органлари ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида Марказ томонидан инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича 200 номда китоблар, дарсликлар, қўлланмалар, тўпламлар, услубий қўлланмалар, шу жумладан, хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг ўзи 500 минг нусхада чоп этилган.

Марказ халқаро шартномалар, халқаро ташкилотларнинг материаллари ва қўлланмаларини ўзбек тилига таржима қилиш ва чоп этишни ҳам амалга оширади. Ўтган давр мобайнида Марказ томонидан Парламентлараро иттифоқнинг “Инсон ҳуқуқлари: парламент аъзолари учун қўлланма”, “Болаларни ҳимоя қилиш: парламент аъзолари учун қўлланма” номли қўлланмалари, Халқаро меҳнат ташкилотининг шартномалари ва “Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллариغا барҳам бериш” номли қўлланмаси таржима қилиниб, чоп этилди. Миллий марказ томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича 110та халқаро шартномалар матнларини ўз ичига олган 10та тўплам чоп этилди.

Инсон ҳуқуқлари маданияти бўйича, Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини таҳлил қилиш асосида айтиш мумкинки, улар фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари масалалари бўйича ҳуқуқий маърифий ишлар ҳисобланади. Бу ишлар қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

инсон ҳуқуқлари бўйича тадбирлар ташкил этиш ва уларда иштирок этиш;

судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, нодавлат ташкилотлари вакиллари инсон ҳуқуқлари бўйича ўқитиш;

инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари масалалари бўйича нашр қилинадиган махсулотларни чоп этиш; инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва ҳимоя қилишнинг долзарб масалалари бўйича ОАВда чиқишлар қилиш.

3.2. Аҳоли орасида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва ривожлантиришда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг такомиллаштириш муаммолари ва истиқболлари

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда айниқса **адвокатура** институтининг роли катта ҳисобланади. Адвокатура ўз номи билан, авваламбор, инсон ҳуқуқларининг ҳимоячиси ҳисобланади. Ўзбекистонда адвокатура институтини ривожлантиришга катта аҳамият қаратилмоқда. Адвокатура институти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасида конституциявий институт сифатида мустақамлаб қўйилган. 1996 йил 27 декабрда “Адвокатура тўғрисида”ги, 1998 йил 25 декабрда “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги “Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3993-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг 2008 йил 12 сентябрда бўлиб ўтган Таъсис конференциясида Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси негизида Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинган эди.

2009 йилнинг 1 январидан «Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг

айрим конун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси конуни кучга кирди. Бугунги кун воқелиги шундан далолат бераптики, шиддат билан ривожланаётган ҳаёт адвокатура олдига янада кенг қўламли вазифаларни қўймоқда ва бу ҳолат унинг имкониятлари кенгайтирилишини тақозо этмоқда. Бу борада халқаро амалиётларда синовдан ўтган ва деярли барча ривожланган давлатларнинг ҳуқуқий тизимларида қўлланилаётган конун-қоидалар бизнинг конунчилигимизга ҳам татбиқ этилиши мамлакатимиз ҳуқуқий тизими ўз тараққиёт даврининг янги босқичига чиққанидан дарак бермоқда.

2008 йилнинг 12 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг Таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Унда – Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда мамлакатимизда адвокатлик фаолияти бу соҳадаги халқаро ҳуқуқий нормалар ва тамойиллар, жумладан, БМТнинг 1966 йилги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари бўйича халқаро пакти (14-модда, 3-банди) ҳамда 1990 йилги “Юристарлар ролига тааллуқли асосий тамойиллари”да белгилаб қўйилган стандартлар асосида ривожланиб бормоқда.

Адвокатура институти ваколатларининг тобора кенгайиб ва фаолиятининг ривожланиб бориши инсон манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг носудлов механизми янада такомиллашиб бораётганидан ва кучли фуқаролик жамиятининг пойдевори мустаҳкамланиб бораётганидан дарак беради.

Мамлакатдаги демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг аҳамияти ва тутган ўрни ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрь қўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш

концепцияси” юзасидан қилган маърузасида шундай дейди: “Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда”⁵⁶.

2005 йили Ўзбекистонда ННТлар фаолиятларини мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ташкил этилди. Турли хил йўналишларда (ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий, аёллар, ёшлар, экологик ва бошқалар) фаолият кўрсатиб, жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олувчи Ўзбекистоннинг 320дан ортиқ ННТлари, бугунги кунда Ассоциациянинг аъзолари ҳисобланади. Ассоциация ҳузурида ННТларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Олий Мажлиснинг 2-чақириқ 1-сессиясида сўзлаган нутқида жамиятни демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда демократик институтлар ва жамоат ташкилотларининг ролини кучайтириш тўғрисида узоқ йилларга мўлжалланган дастурини баён қилди:

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ривожланган тизими жамиятда манфаатлар уйғунлигини қарор топтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилиши лозим. Бу тизим давлат тузилмалари фаолиятини муайян маънода тўлдириши, яъни уларга нисбатан маълум бир мувозанатни таъминловчи восита вазифасини бажариши керак.

Одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти ва сиёсий фаоллиги юксалиб борган сари, давлат ўз вазифаларини нодавлат тузилмалари ва

⁵⁶ Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. –Т.: Ўзбекистон, 2011. – Б. 42

фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиб бориши зарур”.⁵⁷

Нодавлат нотижорат ташкилотлари республикада амалга оширилаётган ислохотларни ўз аъзолари иштирокида таҳлил қилишлари ва уларга нисбатан ўз фикрларини билдиришлари, ислохотлар натижасида ўз олдиларида турган вазифаларни аниқлаб олишлари ва жамиятнинг барча аъзоларини уларни бажаришга жалб этишлари лозим. Бу эса, ўз навбатида, жамиятдаги барча кучларни ягона мақсад – ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги ва юрт тинчлиги йўлида бирлаштиради.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатлари кенгайиб ва фаолияти ривожланиб бориши инсон манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг носудлов механизми янада такомиллашиб бораётганидан ва кучли фуқаролик жамиятининг пойдевори мустаҳкамланиб бораётганидан дарак беради.

Шу ерда алоҳида қайд этиш керакки, бугунги кунда мамлакатда бошқа соҳалар каби, аҳолининг ҳуқуқий маданияти, шу жумладан инсон ҳуқуқлари маданияти даражасини ўрганишга ихтисослашган фуқаролик жамияти институтлари ҳам шаклланган. Уларга мисол таъриқасида 1997 йилда ташкил этилган “Ижтимоий фикр” жамоатчилик марказини, 2003 йилда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти сифатида ташкил этилиб, 2011 йилда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти сифатида қайта ташкил этилган нодавлат ташкилотларини мисол қилиб келтириш мумкин. Мазкур институтлар ўз фаолияти давомида турли соҳаларда социологик тадқиқотлар олиб бориш йўли билан аҳолининг муайян соҳага, муайян ижтимоий, сиёсий ва бошқа соҳалардаги муаммоларга нисбатан ижтимоий фикрини ўрганиб келмоқдалар. Аммо, шу қайд этиш керакки, инсон ҳуқуқлари маданияти соҳасида аҳолининг инсон ҳуқуқлари маданиятини даражасини аниқ кўрсатиб берувчи тадқиқотлар ўтказилгани йўқ, агар ўтказилган бўлса ҳам, кенг эълон қилинмаган. Албатта, “Ижтимоий

⁵⁷ Каримов И.А. «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди». Т.13. -Т.: Ўзбекистон, 2005.–Б.181-182

фикр” журнали орқали “Ижтимоий фикр” жамоатчилик маркази айрим тадқиқотларини, шунингдек, ҳуқуқий маданият билан боғлиқ айрим тадқиқотларининг натижаларини эълон қилиб боради. Аммо, бу тадқиқотлар бутун аҳолини қамраб олмаган ва маълум бир гуруҳ доирасида ўтказилган ҳолос. Иккинчидан эса, бутун аҳолининг инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятининг даражасини аниқлашни мақсад қилиб олмаган. Шунинг учун ҳам мазкур институтлар томонидан, аҳолининг инсон ҳуқуқлари маданиятини қай даражада эканлигини белгилаб берувчи ва инсон ҳуқуқлари маданиятини ривожлантиришнинг аниқ йўллари кўрсатиб берувчи социологик тадқиқотлар амалга оширилиши, бу тадқиқотларнинг натижалари кенг эълон қилиниши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Инсон ҳуқуқлари ҳақида кўп фикрлар билдирилаётган, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида кўплаб амалий ишлар қилинаётган ёки давлат томонидан инсон ҳуқуқларини янада кенгроқ таъминлашга устувор аҳамият қаралаётган бўлса-да, афсуски, айрим ҳолларда инсон ҳуқуқларининг бузилиши, инсон ҳуқуқларини амалга ошириш билан боғлиқ тамойилларни тўлиқ татбиқ этилмаслиги билан боғлиқ салбий ҳолатлар ҳам амалиётда учраб турибди.

Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш, инсон ҳуқуқларини мукамал даражада ҳимоя қилиш, инсон учун энг муносиб турмуш тарзини, фаровон ҳаёт шароитини яратиш мақсадида давлат томонидан инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур масалага “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да ҳам алоҳида эътибор қаратилди ва унда шундай дейилади: “...Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга. Ушбу дастур, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни шакллантириш ва шу каби бошқа соҳаларга оид қонунларга риоя этилиши

устидан жамоатчилик мониторингини олиб боришга қаратилган чоратadbирларни ўзида мужассам этиши керак⁵⁸.

Демак, мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш баробарида инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Зеро, инсон ҳуқуқларини амалда тўлиқ таъминламасдан туриб, фуқаролик жамиятини қуриб бўлмайди. Албатта, инсон ҳуқуқлар маданияти аввало давлат органлари ходимлари онгида шаклланиши керак.

Мамлакатда инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши билан боғлиқ ишларнинг нечоғлиқ самарадорлиги, унинг ўзига хослиги биринчи навбатда, давлат органларининг фуқароларга муносабатида ўз ифодасини топади. Шунингдек, аҳоли мазкур ҳолатга баҳо беришда биринчи навбатда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятига эътибор қаратади. Шундай экан, аввало давлат ва назорат органлари ходимларининг инсон ҳуқуқларига муносабатини, қарашларини ўзгартириш лозим. Бу албатта, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг онгида инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтиришдан бошланади.

Фикримизча, давлат ва назорат органлари фаолиятида инсон ҳуқуқларига нисбатан ҳурматни шакллантириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтириш, улар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш энг мақбул усулдир. Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятига кенг йўл очиб берилаётган бугунги шароитда улар томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назоратининг янги шакллари ва усулларини яратиш инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришда муҳим омил сифатида хизмат қилади. Жамоатчилик назорати давлат органларининг инсон ҳуқуқларини амалга оширишда нечоғлиқ қонуний ҳаракатланаётганлигини, бу борадаги муаммоларни аниқ акс эттиради. Унинг натижалари асосида истиқболли

⁵⁸ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2010 йил. 13 ноябрь.

йўналишларни белгилаш ва бу соҳада янги ислоҳотларни амалга ошириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, инсон ҳуқуқларига оид маданиятнинг шаклланиши биринчидан, фуқароларнинг субъектив ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлиқ таъминлашга, иккинчидан, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишга, учинчидан, мамлакатимизнинг ҳуқуқий тараққиётига ва ниҳоят тўртинчидан, Ўзбекистоннинг дунёдаги ривожланган, демократик мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашига ҳисса қўшади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1.-Т.: Ўзбекистон, 1996. – 368 б .
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. -Т.: Ўзбекистан, 1996. – 384 б.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. - Т.: Ўзбекистон, 1996. – 368 б.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. –Т.: Ўзбекистон, 1996. - 349 б.
5. Каримов И.А. Т.5. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. - Т.: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: Ўзбекистон, 1998. – 429 бет.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз.Т.7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 416 бет.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. –Т.: Ўзбекистон, 2000. – 528 бет.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. –Т.: Ўзбекистон, 2001. – 432 б.
10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. –Т.: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. –Т.: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.
12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. –Т.: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.
13. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.
14. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.14. –Т.: Ўзбекистон, 2006. -280 б.

15. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Т.: Ўзбекистон, 2007. -294 б.
16. Каримов И. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. –Т.: Ўзбекистон, 2008.
17. Каримов И. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
18. Энг асосий мезон - ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
19. Каримов И. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
20. Каримов И.А.Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009.– 280б.
21. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. Т.18. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 280 б.
22. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 360 б.
23. Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. –Т.: Ўзбекистон, 2011. – 56 б.
24. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2010 йил 7 декабр куни Асосий Қонунимиз – Конституциямиз қабул қилинганлигининг 18 йиллиги муносабати билан “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир” мавзусида қилган маърузаси. /Халқ сўзи, 2010 йил 8 декабрь.

25. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – 440 б.

26. Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиз. –Т.: Ўзбекистон, 2012. – 32 б.

II. Халқаро ва миллий ҳуқуқий ҳужжатлар.

1. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам/Ўзбекча нашрининг маъсул муҳаррири А.Х.Саидов. –Тошкент: «Адолат», 2004. – 520 б.

2. Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: инсон ҳуқуқлари бўйича универсал шартномалар. – Т.: Адолат. 2002. -270 б.

3. Балоғатга етмаган болалар ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатлар/Международные документы по правам несовершеннолетних. – Т.: Адолат. 2002. -231 б.

4. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг инсонийлик мезонлари бўйича ҳужжатлари. – Т., 2002. – 164 б

5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.

6. Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида. 1991 й., 15 феврал. (Ахб., 1991 й., № 4, 76-м.)

7. Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида. 1991 й., 20 ноябр. (Ахб., 1992 й., № 2, 80-м.)

8. Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида. 5.05.1994(Ахб., № 5, 127-м.)

9. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида . 1995 й., 30 август. (Ахб. № 9, 183-м.)

10.Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида. 1996 й., 26 апрел. (Ахб. № 5-6, 59-м.)

11. Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида. 1997 й., 24 апрел. (Ахб., 4-5, 108-м.)
12. Таълим тўғрисида. 1997 й., 29 август. (Ахб., № 9, 225-м.)
13. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида. 1997 й., 29 август. (Ахб., 11-12, 295-м.)
14. Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида. 1998 й., 25 декабр. (Ахб., 1999 й., № 1, 12-м.)
15. Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида. 1999 й., 14 апрел. (Ахб., № 5, 112-м.)
16. Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида. 1999 й., 14 апрел. (Ахб., № 5, 115-м.)
17. Прокуратура тўғрисида (янги таҳрири). 2001 й., 29 август. (Ахб. № 9-10, 168-м.)
18. Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида. 2002 й., 12 декабр. (Ахб. 2003 й., № 1, 2-м.)
19. Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида (янги таҳрири). 2002 й., 13 декабр. (Ахб. 2003 й., № 1, 7-м.)
20. Жамоат фондлари тўғрисида. 2003 й., 29 август. (Ахб. № 9-10, 141-м.)
21. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида (янги таҳрири). 2004 й., 27 август. (Ахб. № 9, 169-м.)
22. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида. 2007 й., 3 январь. (Ахб., № 1, 2-м.)
23. Оммавий ахборот воситалари тўғрисида (янги таҳрири). 15.01.2007 (Ахб., № 1, 4-м.)
24. Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида. 2008 й., 7 январь. (Ахб., № 1, 1-м.)
25. Одам савдосига қарши қураш тўғрисида. 2008 й., 17 апрель.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 31 октябрдаги “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони.

27. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг 1997 йилдаги “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг Миллий дастури” тўғрисидаги қарори.

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 июндаги “Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида”ги Фармони

29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги фармойиши

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60-йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида”ги Фармони.

31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 23 июндаги “Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори.

III. Дарслик, ўқув қўлланма ва монографиялар

1. Права человека. Учебник для вузов. / Под. ред. Е.Лукашевой. М.: НОРМА-ИНФРА. 1999.
2. Права человека. Учебник./ отв.ред. Е.А.Лукашева. – 2-е изд., - М.: Норма, 2009
3. Общая теория прав человека. /Под ред. Е.Лукашевой. – М., 1996.

4. Права человека: учебник /А.Н.Головастикова, Л.Ю.Грудцына. – М, Эксмо, 2006
5. Гафуров А. Мўминов А., Тиллабаев М. Инсон ҳуқуқлари. Ўқув қўлланма, -Т.: Юристар малакасини ошириш маркази, 2012.
6. Тиллабаев М. Права человека: практические задания. -Т.: УМЭД, 2011
7. Рахманкулов Х., Рахмонов А. Права человека: История и современность. - Т.: “Мир экономики и права”. 1998
8. Глушкова С.И. Права человека в России: теория, история, практика. Учебное пособие. – М.: Права человека, 2003.
9. Мюллерсон Р. Права человека: Идеи, нормы, реальность. – М., 1991.
10. Нерсисянц В.С. Ҳуқуқ фалсафаси. /Масъул муҳаррир А.Саидов. –Т.: Адолат, 2003.
11. Бюргенталь Т. Международные права человека. – Алматы, 1999.
- 12.Добблер К. Изучение международного права прав человека. – Т., ТГЮИ, 2004
- 13.Саттаров А. Инсон ҳуқуқлари ва ички ишлар органлари фаолияти. – Т.: ЎР ИИВ, 2007.
- 14.Инсон ҳуқуқлари: парламент аъзолари учун қўлланма. – Т., 2007.
- 15.Болаларни ҳимоя қилиш: Парламент аъзолари учун қўлланма. – Т., 2007.
- 16.Саидов А. Международное право прав человека. - М.: ИНФРА, 2002
- 17.Саидов А.Х. Общепризнанные права человека. – М.: ИНФРА, 2004
- 18.Саидов А. Права человека. Учебник хрестоматия. - Тошкент: ЖИДУ, 2001.
- 19.Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. – Т.: “Konsauditinform-Nashr”
- 20.Бюргенталь Т. Международные права человека. – А., 1999.
- 21.Таджиханов Б.У. Конституция и права человека. Учебное пособие. - Т.: “Мир экономики и права. 1997
- 22.Дунё Омбудсманлари. Тўплам. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007.

23. Мўминов А. Ўзбекистон ва ЮНЕСКОнинг халқаро-ҳуқуқий муносабатлари. – Т.: Янги аср авлоди. 2003
24. Саидов А.Х., Жузжоний А.Ш. Шарқ цивилизацияси: инсон ва ҳуқуқ (Ўтмиш ва ҳозирги замон). - Т., Адолат, 2005
25. Омбудсмань мира. Сборник статей. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006.
26. Инсон ҳуқуқлари мониторинги. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003.
27. Тиллабаев М.А. Национальные институты по правам человека: международная, зарубежная и национальная практика. – Т.: Адолат, 2008.
28. Словарь-справочник по правам человека: основные понятия и институты. – М., 2006. – 468 с.
29. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. - Т.: 1998.
30. Европейский суд по правам человека: Избранные решения. – М., 2000.
31. Узакова Д.Х. Узбекистан-независимость, демократия и права человека.– Т., 2001.
32. Формирование культуры прав человека – важнейшая задача в сфере обеспечения защиты прав и свобод человека, дальнейшего развития гражданского общества в стране (материалы международного круглого стола, 30 июня 2011 г., г. Ташкент) /Отв. ред. А.Х.Саидов –Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, 2012. -208 б.
33. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими /муаллифлар жамоаси: А.Саидов, Ф.Бакаева, К.Арсланова ва бошқ. Масъул муҳаррир А.Саидов: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. –Т.: “O’zbekiston”, 2010. -368 б.

IV. Интернет манзиллари

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинг институти сайти: www.imal.uz

2. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази сайти: www.humanrights.gov.uz
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) сайти: www.ombudsman.gov.uz
4. БМТ сайти: www.un.org
5. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари сайти: www.ohchr.org
6. ЮНЕСКО сайти: www.unesco.org
7. Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти сайти: www.osce.org
8. Инсон ҳуқуқлари ва гуманитаран ҳуқуқ бўйича Раул Валленберг институтининг веб сайти: www.rwi.lu.se/library/humanitarian.shtml
9. Инсон ҳуқуқлари бўйича сайтларга кириш: www.law.wits.ac.za/humanrts//links/Rallinks.html